

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

**50-51-сон
(290-291)
2007 й.
декабрь**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

498. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 7 декабрдаги ЎРҚ-119-сон Қонуни

499. «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 7 декабрдаги ЎРҚ-120-сон Қонуни

500. «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-модда-сига қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 7 декабрдаги ЎРҚ-121-сон Қонуни

501. «Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 12 декабрдаги ЎРҚ-122-сон Қонуни

502. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 дебардаги ЎРҚ-123-сон Конуни
503. «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддасига қўшимча ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 61-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 декабрдаги ЎРҚ-124-сон Конуни
504. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 декабрдаги ЎРҚ-125-сон Конуни
505. «Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида Шартномани (Ашхобод, 2007 йил 18 октябрь) ратификация қилиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 декабрдаги ЎРҚ-126-сон Конуни
506. «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 14 декабрдаги ЎРҚ-127-сон Конуни
507. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида транспорт ва товарлар транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битимни (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 14 декабрдаги ЎРҚ-128-сон Конуни
508. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳукуқий ёрдам тўғрисида Шартномани (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 17 декабрдаги ЎРҚ-129-сон Конуни
509. «Бюджет тизими тўғрисида»ги ҳамда «Давлат бюджетининг разна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 17 декабрдаги ЎРҚ-130-сон Конуни
510. «Ахолини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар худудида ишлаб чиқарилаётган дори-дармон воситалари, вакцина ва бошқа иммунобиологик дорилар, тиббий буюмлар ва тиббий техника билан таъминлаш тўғрисидаги Битимни (Ашгабат, 1993 йил 24 декабрь) денонсация қилиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 18 декабрдаги ЎРҚ-131-сон Конуни
511. «Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги Битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 18 декабрдаги ЎРҚ-132-сон Конуни
512. «Саноат, газ таъминоти ва кон назорати соҳасидаги бошқарув такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 18 декабрдаги ЎРҚ-133-сон Конуни

-

+

513. «Уруғчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 9-моддасига ўзгартиш киритиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 21 декабрдаги ЎРҚ-134-сон Конуни
514. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 21 декабрдаги ЎРҚ-135-сон Конуни

Иккинчи бўлим

515. «2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-743-сон қарори

Учинчи бўлим

516. «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиб департаментида ягона ахборот-компьютер тарморини ташкил этиш» лойиҳасининг техник-иктисодий ҳисоб-китобини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 декабрдаги 253-сон қарори

+

-

517. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш хақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштирувчи фермер хўжаликларини кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 5 ноябрдаги ПҚ-725-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 декабрдаги 254-сон қарори

518. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 308-сон қарори билан тасдиқланган Қимматли қофозлар бозорида касбий фаолиятни (инвестиция институтларининг қимматли қофозлар бозоридаги фаолиятини) лицензиялаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 декабрдаги 255-сон қарори

519. «Табиий монополия субъектларининг товарлари (ишлари, хизматлари)га нархлар (тарифлар) белгилаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 декабрдаги 256-сон қарори

520. «Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат хизматчиларининг лавозим маошларига йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида» 1997 йил 3 июлдаги 339-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўкув курсларини ташкил этиш тўғрисида» 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-727-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 декабрдаги 258-сон қарори
521. «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 декабрдаги 259-сон қарори
523. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 декабрдаги 263-сон қарори

Бешинчи бўлим

525. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссияларини тайинлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 15 ноябрдаги 167-сонли бўйруғи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 11 декабрда 1747-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
526. «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 17 ноябрдаги 31/3-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 13 декабрда 630-10-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
527. «Тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 17 ноябрдаги 31/2-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 13 декабрда 949-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
528. «Давлат улушларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компаниялар ва ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 01/12-18/17-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 15 декабрда 1394-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
529. «2008 йил учун давлат статистика хисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007 йил 9 ноябрдаги 18-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 15 декабрда 1748-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

530. «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2007 йил 17 декабрдаги 108, 2007-63-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 17 декабрда 1749-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
531. «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугашиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2007 йил 17 декабрдаги 107, 2007-64-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 17 декабрда 1750-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 8 декабрдан 21 декабргача бўлган маълумот

+

-

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг Қонуни

498 «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 7 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»ги 938-XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда) қуидаги ўзгартишлар киритилсан:

- 1) **27-модданинг иккинчи қисмидаги** «етти хисса» деган сўзлар «саккиз хисса» деган сўзлар билан алмаштирилсан;
- 2) **31-модданинг бешинчи қисмидаги** «етти хиссасидан» деган сўзлар «саккиз хиссасидан» деган сўзлар билан алмаштирилсан.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 7 декабрь,
ЎРҚ-119-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 8 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

499 «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 17 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «Табиий монополиялар тўғрисида»ги 398—I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган 815—I-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 212-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палатарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсан:

1) 4-модданинг биринчи қисми қўйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсан:

«транспорт терминаллари хизматлари»;

2) 10-модда:

қўйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсан:

«табиий монополиялар тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгаришиш дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади»;

учинчи — тўққизинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи — ўнинчи хатбошилар** деб хисоблансан;

3) 11-модданинг иккинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Назорат вазифаларини амалга ошириш чоғида монополияга қарши орган томонидан олинган материаллар, шу жумладан табиий монополия субъектлари фаолиятини текшириш ва таҳлил қилишга доир материаллар, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мурожаатлари ҳамда прокуратура органларининг тақдимномалари табиий монополиялар тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун асос бўлади»;

4) 14-модданинг биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Табиий монополиялар субъектлари қўйидаги хуқуқларга эга:

реализация қилинган товарлар хақини тўлашни таъминламаётган истеъмолчиларга хизмат кўрсатишини қонун хужжатларида белгиланган тартибда рад этиш;

табиий монополия шароитларида реализация қилинадиган товарлар нархларини (тарифларини) ваколатли органни хабардор килган ҳолда, барча истеъмолчилар учун бир вактнинг ўзида пасайтириш»;

5) 15-модданинг биринчи қисми қўйидаги мазмундаги **еттинчи ва саккизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсан:

«нархлар (тарифлар) ёки уларнинг энг юкори (энг паст) даражалари тасдиқла-наётганда хисобга олинадиган асосий воситаларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда танлов асосида харид қилиш;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 8 декабрда эълон қилинган.

табиий монополия шароитларида товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) учун амалга ошириладиган тўғридан-тўғри харажатларнинг алоҳида-алоҳида хисобини юритиш».

2-модда. Ушбу Конун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 7 декабрь,
ЎРҚ-120-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

**500 «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига қўшимча киритиш
ҳақида***

+

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 6 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Жамоат фондлари тўғрисида»ги 527-II-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 141-модда) **24-моддасининг учинчи қисми** қуидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин: «Мазкур чеклов ҳомийлик дастурларини амалга оширишда иштирок этадиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга нисбатан қўлланилмайди».

2-модда. Ушбу Конун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 7 декабрь,
ЎРҚ-121-сон

* Ушбу Конун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 8 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОNUНИ

501

Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилиш хақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 21 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда
маъқулланган

Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция
(Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 декабрь,
ЎРҚ-122-сон

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОNUНИ

502

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 20 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда;

* Ушбу Конун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 13 декабрда эълон қилинган.

** Ушбу Конун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 14 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда) қуидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсан:

1) 332-модданинг учинчи қисми қуидаги мазмундаги **учинчи ва тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсан:

«Тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлик бўлмаган янги жиноят аниқланган тақдирда, жиноят ишининг мазкур ҳолатга доир қисми жиноят иши қўзғатилган ҳолда алоҳида иш юритувга ажратилади.

Ишларни бирлаштириш ва ажратиш суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан амалга оширилади»;

2) 351-моддаси қуидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсан:

«Жиноят ишлари бирлаштирилаётганда улар бўйича иш юритиш муддати узокроқ муддат давомида тергов қилинган жиноят иши бўйича белгиланади. Бунда қолган жиноят ишлари бўйича иш юритиш муддати узокроқ тергов қилинган ишнинг муддати билан қамраб олинади ва қўшимча равиша ҳисобга олинмайди.

Алоҳида иш юритувга ажратилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов муддати, агар жиноят иши янги жиноят бўйича ёки янги шахсга нисбатан ажратилаётган бўлса, тегишли қарор чиқарилган кундан эътиборан ҳисобланади. Қолган ҳолларда муддат бу жиноят иши кайси жиноят ишидан алоҳида иш юритувга ажратилган бўлса, ўша жиноят иши қўзғатилган пайтдан эътиборан ҳисобланади»;

иккинчи — олтинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансан:

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 13 декабрь,
ЎРҚ-123-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

503 Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддасига қўшимча ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 61-моддасига ўзгартишиш киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда) **542-моддаси**:

куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жазони ижро этиши муассасаси худудини ёки маъмуриятнинг ўлланмаси бўйича ўзи туриши лозим бўлган бошқа жойни ўзбошимчалик билан ташлаб кетган маҳкумни манзил-колониядан бошқа тартибли колонияга ўтказиш тўғрисидаги масала прокурорнинг илтимосномасига биноан кўриб чиқилади. Маҳкумнинг судда хозир бўлишини таъминлаш имконияти бўлмаган тақдирда мазкур масала суд томонидан маҳкумнинг иштирокисиз кўриб чиқилади. Бунда маҳкумни қамоққа олиш ва унга нисбатан қидибув эълон қилиш хақидаги масала суд томонидан ҳал қилиниши керак»;

иккинчи — олтинчи қисмлари тегишинча **учинчи — еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансан.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда) **61-моддасининг учинчи қисмидаги «537-моддасига»** деган сўзлар «537-моддаси ва 542-моддасининг иккинчи қисмига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 14 декабрда эълон қилинган.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 13 декабрь,
ЎРҚ-124-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

504 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

— Конунчилик палатаси томонидан
2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган +

Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 125-модда:

тўртинчи қисмининг диспозициясидаги «ёхуд давлат рақам белгиси ясама ёки ўзга усулларда ўзгарилилган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
куйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 14 декабрда эълон қилинган.

«Давлат рақам белгиси ясама ёки ўзга усуулларда ўзгартирилган транспорт воситаларини, худди шунингдек давлат рақам белгиси айни шу транспорт воситасига тегишли бўлмаган транспорт воситасини бошқариш —

энг кам иш хақининг етти бараваридан ўн бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

бешинчи ва олтинчи қисмлари тегишинча **олтинчи ва еттинчи қисмлар** деб хисоблансин;

2) қўйидаги мазмундаги **128²-модда** билан тўлдирилсин:

«128²-модда. Транспорт воситасини бошқариш пайтида монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш ва транспорт воситасига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатиш

Транспорт воситасини бошқариш пайтида транспорт воситаси салонининг олд қисмига ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ўрнатилган монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш —

энг кам иш хақининг бир баравари микдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситаси салонининг олд қисмига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатиш —

энг кам иш хақининг бир бараваридан икки бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган хукуқбузарликлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш хақининг икки бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш хукуқидан олти ойдан бир йилгacha муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади»;

3) **179-моддаси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«179-модда. Аудиторнинг қонун хужжатлари бузилганлиги ҳолларини яшириши, била туриб сохта аудиторлик ҳисоботини ёки аудиторлик хulosасини тузиши

Аудиторнинг аудиторлик текширувани ўтказиш чоғида ўзи аниқлаган бухгалтерия ҳисобини юритишга, шунингдек молиявий ҳисбот тузишга доир қонун хужжатларида белгиланган талаблар бузилганлиги ҳолларини яшириши, худди шунингдек аудиторнинг била туриб сохта аудиторлик ҳисоботини ёки аудиторлик хulosасини тузиши —

энг кам иш хақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **245-модданинг биринчи қисми** «128¹-моддасининг иккинчи қисми» деган сўзлардан кейин «128²-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **248-модда:**

биринчи қисми «128¹-моддасининг биринчи қисмida» деган сўзлардан кейин «128²-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмининг 5, 6 ва 7-бандлари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) ушбу Кодекснинг 125, 126-моддаларида, 127-моддасининг биринчи қисмida, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128¹-моддасининг биринчи қисмida, 128²-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 129-моддасининг

биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 131-моддасининг учинчи қисмида, 135-моддасида, 136-моддасининг учинчи қисмида, 138, 139, 140, 141, 147-моддаларида назарда тутилган маъмурий хукуқбузарликлар учун — йўл ҳаракати хавфсизлиги бошкармаси (Бош бошкармаси) бошлиғи, унинг ўринбосари, йўл-патруль хизматини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ҳамда маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи, унинг ўринбосари, алохиди мухим ишлар бўйича инспектор (маъмурий амалиёт бўйича инспектор), маъмурий амалиёт бўлинмаси (бўлими) бошлиғи, унинг ўринбосари, маъмурий хукуқбузарликларга доир материалларни кўриб чиқиш бўйича катта инспектор (инспектор), автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат бўлими (бўлинма) бошлиғи, автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат гурухининг катта инспектори, автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат гурухининг маъмурий амалиёт бўйича инспектори, улар йўқлигига эса ички ишлар бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосари;

6) ушбу Кодекснинг 125, 126-моддаларида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128¹-моддасининг биринчи қисмида, 128²-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135-моддасининг биринчи қисмида, 138-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 147-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий хукуқбузарликлар учун — йўл-патруль хизмати бригадаси (батальони, дивизиони, отряди, мобиъет гурухи) командири ёки унинг ўринбосари;

7) ушбу Кодекс 125-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 126-моддасининг биринчи қисмида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи қисмида, 128¹-моддасининг биринчи қисмида, 128²-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 135-моддасининг биринчи қисмида, 138-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий хукуқбузарликлар учун — йўл-патруль хизмати катта инспектори (инспектори) ва йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид бошқа нормативларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи бошқа ходимлар»;

6) **287-модданинг 1-банди** «128¹» рақамидан кейин «128²» рақами билан тўлдирилсин;

7) **291-модда биринчи қисмининг «а» кичик бандидаги** «тўртинчи қисмида» деган сўзлар «тўртинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 13 декабрь,
ЎРҚ-125-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ

505 Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида Шартномани (Ашхобод, 2007 йил 18 октябрь) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 21 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида Шартнома (Ашхобод, 2007 йил 18 октябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 13 декабрь,
ЎРҚ-126-сон

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ

506 Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатлариiga ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 4 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбе-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 14 декабрда эълон қилинган.

** Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 15 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

кистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 164-модда, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **54-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қиласан юридик шахс муасислари (иштирокчилари) ёки орган тугатувчини — тугатиш комиссиясини ёки жисмоний шахсни тайинлайдилар хамда ушбу Кодексга мувофиқ тугатиш тартиби ва муддатини белгилайдилар. Юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарор суд томонидан қабул қилинган тақдирда, тугатувчи юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда тайинланади.

Тугатувчи тайинланган пайтдан бошлаб юридик шахснинг ишларини бошқариш бўйича ваколатлар тугатувчига ўтади. Тугатувчи тугатилаётган юридик шахс номидан судда иштирок этади»;

2) **55-модданинг:**

биринчи қисми биринчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тугатувчи оммавий ахборот воситаларида юридик шахснинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати тўғрисида конун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон беради»;

иккинчи қисмидаги «Тугатиш комиссияси» деган сўзлар «Тугатувчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи, бешинчи ва еттинчи қисмларидаги «тугатиш комиссияси» деган сўзлар «тугатувчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмидаги «тугатиш комиссияси» деган сўзлар «тугатувчи» деган сўз билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223-I-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **65-модданинг биринчи қисми тўртинчи хатбошисидаги** «тугатиш комиссиясини» деган сўзлар «тугатувчини» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **101-модданинг:**

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларидаги «тугатиш комиссиясини» деган сўзлар «тугатувчини» деган сўз билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тугатувчи тайинланган пайтдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар тугатувчига ўтади. Тугатувчи тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади»;

олтинчи қисмидаги «тугатиш комиссияси таркибига» деган сўзлар «тугатиш комиссияси тайинланади ва унинг таркибига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 102-модданинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тугатувчи оммавий ахборот воситаларида жамиятнинг тугатилиши хақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида конун хужжатларида белгиланган тартибда эълон беради. Кредиторлар томонидан талаблар қўйиш учун белгиланган муддат жамиятнинг тугатилиши тўғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим.

Агар тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтга келиб, жамият кредиторлар олдида мажбуриятларга эга бўлмаса, унинг мол-мулки акциядорлар ўртасида ушбу Конуннинг 103-моддасига мувофиқ тақсимланади.

Тугатувчи кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма шаклда хабардор қиласди.

Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш учун белгиланган муддат тугаганидан кейин тугатувчи оралиқ тугатиш балансини тузади, мазкур баланс тугатилаётган жамият мол-мулкининг таркиби, кредиторлар кўйган талаблар, шунингдек уларни кўриб чиқиши натижалари хақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Оралиқ тугатиш баланси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Агар тугатилаётган жамиятдаги мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини кондириш учун етарли бўлмаса, тугатувчи жамиятнинг мол-мулкини суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда кимошибди савдосида сотишини амалга оширади.

Тугатилаётган жамият кредиторларига пул суммаларини тўлаш конун хужжатларида белгиланган навбат тартибида, тугатувчи томонидан оралиқ тугатиш балансига мувофиқ, у тасдиқланган кундан эътиборан амалга оширилади.

Кредиторлар билан хисоб-китоб қилиш тугаганидан кейин тугатувчи тугатиш балансини тузади, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади»;

4) 103-модданинг биринчи қисмидаги «тугатиш комиссияси» деган сўзлар «тугатувчи» деган сўз билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги 717-I-сонли Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 8-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда) **9-моддаси** қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирисин:

«Ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектларининг — юридик шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг юридик шахс тугатилиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги билдириши асосида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади, текшириш муддати ўттиз календарь кунидан ошмаслиги керак».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги 258-II-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда) **62-модда-сining иккинчи ва учинчи қисмларидаги** «тугатиш комиссиясига (тугатувчига» деган сўзлар «тугатувчига» деган сўз билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган **«Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»**ги 310-II-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда) қуидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **30-модда иккинчи қисмининг ўн бешинчи хатбошидаги** «тугатиш комиссиясини» деган сўзлар «тугатувчини» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **55-модданинг:**

биринчи қисмидаги «қонунларда» деган сўз чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи қисмларидаги «тугатиш комиссиясини» деган сўзлар «тугатувчини» деган сўз билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тугатувчи тайинланган пайтдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар тугатувчига ўтади. Тугатувчи тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади»;

олтинчи қисмидаги «тугатиш комиссиясининг таркибига» деган сўзлар «тугатиш комиссияси тайинланади ва унинг таркибига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 14 декабрь,
ЎРҚ-127-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

**507 Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон
Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида транспорт
ва товарлар транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим-
ни (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш
ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 7 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси
Ҳукумати ўртасида транспорт ва товарлар транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисида
Битим (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

+

Тошкент ш.,
2007 йил 14 декабрь,
ЎРҚ-128-сон

-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 15 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ

508 Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро хуқуқий ёрдам тўғрисида Шартномани (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 7 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро хуқуқий ёрдам тўғрисида Шартномани (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 17 декабрь,
ЎРҚ-129-сон

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ

509 «Бюджет тизими тўғрисида»ги ҳамда «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 26 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги 158-II-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5,

* Ушбу қонунлар «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 18 декабрда эълон қилинган.

152-модда, № 12, 413, 418-моддалар; 2007 йил, № 4, 168-модда, № 9, 420-модда) қуидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг иккинчи хатбоиси** «молия йилида» деган сўзлардан кеъин «республика бюджети» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **5-модданинг еттинчи хатбоиси** қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағлар доирасида ва харажатлар сметаларида кўрсатилган мақсадларда амалга ошириш»;

3) **32-модданинг матни** қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида молия йили учун тасдиқланган харажатлар сметаси асосида тайинлаш сертификатини муайян даврга ва суммага расмийлаштириш орқали, шунингдек бюджет маблағлари олувчининг товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан тузилган, ушбу Қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказилган шартномаси асосида:

республика бюджетидан молиялаштирилайдиган ташкилотлар бўйича — қонун хужжатларида белгиланган тартибида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги ёки унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ёки маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилайдиган ташкилотлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан тўланади.

Тайинлаш сертификатларини тайёрлаш, расмийлаштириш, бериш, ижро этиш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва барча дараҷадаги маҳаллий бюджетларнинг ягона фазна ҳисобварагидаги бюджет маблағлари қолдиқлари тасдиқланган микдорда айланма касса маблағи меъёрини шакллантиришга йўналтирилади.

Республика бюджети бюджет маблағлари қолдиқларининг айланма касса маблағи меъёрининг тасдиқланган микдоридан ортиқ қисми қонун хужжатларида белгиланган тартибида сарфланади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва барча дараҷадаги маҳаллий бюджетлар бюджет маблағлари қолдиқларининг айланма касса маблағи меъёрининг тасдиқланган микдоридан ортиқ қисми Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда тегишли ҳокимларнинг қарорига кўра қўшимча харажатларни амалга оширишга йўналтирилиши мумкин.

Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилоти томонидан тежаб қолинган бюджет маблағлари олиб қўйилмайди ва улар Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади, капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади»;

4) **33-модданинг биринчи қисми:**

иккинчи хатбоиси қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«бошланган молия йилидаги харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланган тартибида аввалги молия йилининг охирги чорагидаги бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг учдан бир қисмидан ортиқ бўлмаган микдорларда, уларни бошланган молия йилида амалга оширилиши режалашти-

рилмаган харажатлар суммасига аниқлаштирилган ҳолда, хар ойда амалга оширилади»;

куйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари хар чораклик ойма-ой бўлинган муваққат харажатлар сметаси ва бюджет маблағлари олувчининг товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан тузилган, ушбу Қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказилган шартномаси асосида амалга оширилади»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилари тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб хисоблансан;

5) **37-модданинг матни** қуийдаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш, шунингдек унинг давлат даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги ва унинг худудий бўлинмалари Давлат бюджетининг касса ижросини таъминлайди. Банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг топшириғига биноан Давлат бюджетининг касса ижроси операцияларини бажаради.

Бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари уларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида ёки унинг худудий бўлинмаларида очилган шахсий ҳисобваракларида бюджетдан ажратилган маблағлар қолдиқлари доирасида тўлов топшириқномалари бўйича амалга оширилади»;

6) **38-модданинг биринчи қисми:**

куйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«бюджет маблағлари олувчининг товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан тузилган шартномасини, шунингдек буюртмачининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузилган шартномасини ушбу Қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказади»;

тўртинчи — олтинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи — еттинчи хатбошилар** деб хисоблансан;

бешинчи хатбошиси қуийдаги таҳрирда баён этилсин:

«товар етказиб берувчининг (иш бажарувчининг, хизмат кўрсатувчининг) бевосита ҳисобварагига бюджет маблағларини олувчилар номидан тўловларни амалга оширади»;

7) **39-модда:**

куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги ва унинг худудий бўлинмалари Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисботни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилаган муддатларда тузади ва ушбу ҳисботни тегишинча Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар молия органларига тақдим этади»;

учинчи — ўн тўртинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — ўн бешинчи қисмлар** деб хисоблансан.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган «**Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида**»ги 664-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 164-модда)

7-моддасининг матни қуийдаги таҳрирда баён этилсин:

«Фазначиликнинг асосий вазифалари қуийдагилардан иборат:

Давлат бюджетининг касса ижроси;

Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;

Давлат бюджети маблағларини бошқариш, ягона ғазна хисобварағини ва худудий ғазна хисобвараптасувилини юритиш;

бюджет маблағлари олувчининг товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан тузилган шартномасини, шунингдек буюртмачининг Давлат бюджети маблағлари хисобидан капитал қурилиш учун тузилган шартномасини мажбурий рўйхатдан ўтказиш;

Давлат бюджетида қайси юридик ёки жисмоний шахслар учун маблағлар на зарда тутилган бўлса, ўша юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш;

Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия хисобини юритиш;

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ахборотни йифиш, қайта ишлаш, ташлил қилиш ва хисоботни тузиш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикасининг кафолатларини ижро этиш».

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

+

Тошкент ш.,
2007 йил 17 декабрь,
ЎРҚ-130-сон

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

510 Аҳолини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар ҳудудида ишлаб чиқарилаётган дори-дармон воситалари, вакцина ва бошқа иммунобиологик дорилар, тиббий буюмлар ва тиббий техника билан таъминлаш тўғрисидаги Битимни (Ашгабат, 1993 йил 24 декабрь) денонсация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 21 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда
маъқулланган

1-модда. Аҳолини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар ҳудудида ишлаб чиқарилаётган дори-дармон воситалари, вакцина ва бошқа иммунобиологик дорилар, тиббий буюмлар ва тиббий техника билан таъминлаш тўғрисидаги Битим (Ашгабат, 1993 йил 24 декабрь) денонсация қилинсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

—
**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 18 декабрь,
ЎРҚ-131-сон

+

* Ушбу конунлар «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 19 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

511

Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги Битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 4 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда
маъқулланган

Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги Битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октября) қўшилинсан.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 18 декабрь,
ЎРҚ-132-сон

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

512

Саноат, газ таъминоти ва кон назорати соҳасидаги бошқарув такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 27 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сувва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 837-XII-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсан:

* Ушбу қонунлар «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 19 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

1) **8-модданинг иккинчи қисмидаги** «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **9-модданинг иккинчи қисмидаги** «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **27-модданинг биринчи қисмидаги** «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **97-модданинг номи ва биринчи қисмидаги** «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **98-модданинг биринчи қисмидаги** «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **260-модда:**

номидаги, биринчи қисмидаги ва иккинчи қисмининг биринчи хатбошидаги «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «бош директор» деган сўзлар «Давлат инспекцияси бошлиғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўзбекча матни тўртинчи хатбошисидаги «кончилик-техник» деган сўзлар «кон-техник» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Ер ости бойликлари тўғрисида**»ги 2018-XII-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган 444-II-сонли Конуни билан тасдиқланган таҳирда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 5-модда) куйидаги ўзгаришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **7-модданинг иккинчи қисмидаги** «Саноатда ва кончилиқда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончилиқда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **17-модданинг учинчи қисмидаги** «Саноатда ва кончилиқда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончилиқда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **23-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

+ «Ер қаъридан фойдаланиш муддатини узайтириш ёки унинг муддатини узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия берган орган томонидан ер қаъридан фойдаланувчининг аризаси келиб тушган кундан эътиборан ўттиз кун ичida қабул қилинади»;

4) **27-модданинг:**

тўртинчи қисмидаги «бешинчи ва олтинчи қисмларида» деган сўзлар «бешинчи қисмida» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми чиқариб ташлансин;

олтинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

5) **28-модданинг учинчи қисмидаги** «Саноатда ва кончилиқда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончилиқда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **44-модданинг бешинчи қисмидаги** «Саноатда ва кончилиқда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончилиқда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги 232-I-сонли Қарори билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 70-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2002 йил, № 1, 22-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда) **8-бандидаги** «Саноатда ва кончилиқда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг» деган сўзлар

«Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган «Радиациявий ҳавфсизлик тўғрисида»ги 120-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 212-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсан:

1) **8-модданинг биринчи қисмидаги** «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

2) **22-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсан.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Чикиндилар тўғрисида»ги 362-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 72-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсан:

— 1) **6-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги (бундан буён матнда «Саноатконтехназорат» агентлиги деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (бундан буён матнда «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

2) **10-модданинг номи ва матнидаги** «Саноатконтехназорат» агентлигининг, «Саноатконтехназорат» агентлиги деган сўзлар тегишинча «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси деган сўзлар билан алмаштирилсан.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 18 декабрь,
ЎРҚ-133-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

513 «Уруғчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 7 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «Уруғчилик тўғрисида»ги 267-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 130-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда) **9-моддаси иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «божхона тўлови» деган сўзлар «бож» деган сўз билан алмаштирилсин.**

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

+

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

-

Тошкент ш.,
2007 йил 21 декабрь,
ЎРҚ-134-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 22 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОNUНИ

514 «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Конунчилик палатаси томонидан
2007 йил 7 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223-І-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсан:

— 1) **15-модданинг биринчи қисми учинчи хатбошиси** «фаолият соҳаси» деган сўзлардан кейин «(асосий йўналишлари)» деган сўзлар билан тўлдирилсан;

+

2) **16-модданинг матни** қуйидаги таҳтирида баён этилсан:

«Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамият уставини янги таҳтирида тасдиқлаш ушбу Конунда ҳамда жамият уставида белгиланган тартибида акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан амалга оширилади»;

3) қуйидаги мазмундаги **24¹-модда** билан тўлдирилсан:

«24¹-модда. Олтин акция

«Олтин акция» — айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг маҳсус ҳуқуқи бўлиб, у стратегик аҳамиятга эга бўлган давлат корхоналари хусусийлаштирилаётганда ёки акциядорлик жамиятларнинг давлат акция пакетлари хусусий мулк этиб реализация қилинаётганда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорига асосан жорий қилинади ва мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди.

«Олтин акция» қийматга эга эмас, бошқа шахсга берилмайди ҳамда гаровга қўйилмайди, устав фонди миқдорини белгилашда ва дивидендларни хисоблашда инобатга олинмайди.

«Олтин акция» устав фондида давлат улуши бўлмаган ёки бу улуш йигирма беш фоиздан ошмайдиган акциядорлик жамиятларида жорий этилиши мумкин. Давлатнинг «олтин акция»дан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

«Олтин акция» акциядорлик жамиятининг кузатув кенгashi таркибига давлат вакилини (бундан бўён матнда давлат вакили деб юритилади) тайинлаш воситасида реализация қилинади. Давлат вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ва кузатув кенгashi мажлисларида ушбу Конуннинг 65-моддаси биринчи қисмининг

* Ушбу Конун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 22 декабрда эълон қилинган.

иккинчи — тўртинчи, еттинчи, саккизинчи, ўн саккизинчи, ўн тўққизинчи хатбошиларида, шунингдек 82-моддаси биринчи қисмининг еттинчи, йигирма иккинчи — йигирма тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган масалалар бўйича вето қўйиш хукуки билан мажбурий тартибда иштирок этади. Вето қўйиш ушбу қарорлар кабул қилинган куни ёзма шаклда амалга оширилади»;

4) 47-модданинг биринчи қисми куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акциядорлар реестри рўйхатга олинган акция эгаларининг уларга тегишли эгаси ёзилган қимматли қофозларнинг сони, номинал қиймати ва тоифалари кўрсатилган, ҳар қандай белгиланган санадаги ҳолатга кўра тузилган ҳамда бу акция эгалари, уларга тегишли қимматли қофозларнинг сони ва тоифалари айнан тўғрилигини анилаш имконини берадиган рўйхатидир. Ўзига нисбатан «олтин акция»ни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинган жамият акциядорлари реестрига давлат вакили ҳам киритилади. Эмитентлар акциядорлар реестрини давлат томонидан қимматли қофозлар бозорини тартиба солиш ва мувофиқлаштириш юзасидан ваколат берилган орган белгилаган шаклда юритиши шарт. Акцияларни жойлаштирган жамият ёки ихтиослашган рўйхатчи жамият акциядорлари реестрининг сақловчиси бўлиши мумкин. Оддий (одатдаги) акция эгалари бўлмиш акциядорлари беш юз ва ундан ортиқ бўлган жамият реестр юритиш ҳамда саклашни ихтиослашган рўйхатчига шартнома асосида топшириши шарт»;

5) 48-модда куйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат вакилига акциядорлар реестридан кўчирма бериш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

6) 49-модда:

куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат вакилини жамият акциядорлари реестрига киритиш хақидаги ёзув давлат вакилини тайинлаш тўғрисидаги тегишли қарор илова қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси томонидан реестр сақловчини хабардор килиш асосида амалга оширилади»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб хисоблансан;

7) 66-модда:

куйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Қонун 21-моддасининг иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор, агар мазкур қарорни қабул қилиш ваколати жамият кузатув кенгашига берилмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади»;

тўртинчи — ўнинчи қисмлари тегишинча **бешинчи — ўн биринчи қисмлар** деб хисоблансан;

куйидаги мазмундаги **ўн биринчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан давлат вакили иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек вето қўйилган қарорлар ижро этилмайди»;

ўн биринчи қисми ўн иккинчи қисм деб хисоблансан;

8) 67-модда куйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат вакили акциядорлар умумий йиғилишининг сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилинган қарорига вето қўйишга ҳақли»;

9) 69-модданинг:

биринчи, учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари «акциядорларга» деган сўздан кейин «ва давлат вакилига» деган сўзлар билан тўлдирилсан;

ИККИНЧИ ҚИСМИ «акциядорларни» деган сўздан кейин «ва давлат вакилини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **74-модданинг:**

НОМИ «акциядорларнинг» деган сўздан кейин «ва давлат вакилининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

БИРИНЧИ ҚИСМИ қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш хукуки шахсан акциядор томонидан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Давлат вакилининг акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш хукуки унинг шахсан ўзи томонидан амалга оширилади»;

11) **82-модданинг:**

БИРИНЧИ ҚИСМИ қўйидаги мазмундаги **йигирма тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«акциядорлик жамиятининг бошқа хўжалик жамиятларида иштироки билан боғлиқ битимлар тузиш»;

ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ ХАТБОШИСИ ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ХАТБОШИ деб хисоблансин;

12) **83-модда:**

НОМИ қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«83-модда. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш, тайинлаш»;

УЧИНЧИ ҚИСМИ «сайланишлари» деган сўздан кейин «тайинланишлари» деган сўз билан тўлдирилсин;

қўйидаги мазмундаги **ўНИНЧИ ҚИСМ** билан тўлдирилсин:

«Давлат вакили лавозимига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиб, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланмайди (қайта сайланмайди)»;

13) **85-модда:**

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Конун 21-моддасининг иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Жамият кузатув кенгаши томонидан давлат вакили иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек вето қўйилган қарорлар ижро этилмайди»;

Тўртинчи — еттинчи қисмлари тегишинча **олтинчи — тўққизинчи қисмлар** деб хисоблансин;

14) **90-модданинг учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият активлари баланс қийматининг эллик фоизидан ортиқ қийматни ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади».

2-модда. Ушбу Конун расмий эълон килинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 21 декабрь,
ЎРҚ-135-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

515 2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт обьектлари қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тұғрисида

Қайд этиб ўтилсинки, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг беш йиллик фаолияти даврида янги спорт иншоотларини қуриш ва ишлаб турғанларини реконструкция қилиш, уларни замонавий ускуналар билан жихозлаш, ўсиб келаётган авлодни физкультура ва спорт машғулотларига жалб этиш, жисмоний тарбия бўйича малакали ўқитувчи кадрлар ва мураббийлар таркибини тайёрлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган катта ишлар амалга оширилди.

2003 йилдан бошлаб Жамғарма маблағлари ҳисобидан 715 та, шулардан 583 таси ёки 82% қишлоқ жойлардан ўрин олган спорт иншоотлари ва обьектлари ишга туширилди. Ушбу мақсадларга 102,7 млрд. сумдан ортиқ маблағ йўналтирилган. Республиkanинг 55 та корхонасида замонавий спорт ускуналари ва анжомларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган.

Яратилган шарт-шароитлар туфайли болаларнинг спорт машғулотларидаги мунтазам иштироки 2003 — 2007 йиллар ичida 1,5 баробарга, қишлоқ жойларда эса 1,7 баробарга ўси. Кизлар спорт билан шуғулланишга фаол жалб этилмоқда.

Шу билан бирга, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятида жиддий камчиликлар мавжуд. Бир катор худудлар ва республика хомийлари томонидан маблағлар тушишининг келишилган жадвали бузилишига йўл қўйилмоқда. Пудрат ташкилотларини танлашда ихтисослаштирилмаган пудратчи ташкилотларни жалб этиш ҳоллари мавжуд, бу эса қурилиш ишларини бажариш муддатлари, даражаси ва сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Болаларни спорт машғулотларига мунтазам равишда жалб этиш даражасини баҳолаш имконини берадиган аниқ мезонлар ишлаб чиқилмаган.

Болалар спорти обьектларини юқори малакали мураббийлар, айниқса сув спорти турлари, бадий ва спорт гимнастикаси бўйича мураббийлар билан тўлдириш, сифатли спорт анжомлари ва чарм ҳамда чарм ўрнини босадиган матодан спорт пойабзаллари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш масалалари ҳал этилмай қолмоқда.

Оммавий болалар спортини янада кенгайтириш ва ривожлантириш, жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни камол топтириш, 2004 — 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш билан чамбарчас боғлик ҳолда болалар спорт комплексларини ўз вактида ва сифатли қуриш, реконструкция қилиш ҳамда спорт анжомлари билан жихозлашни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтиодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими

вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2008 йилги даромадлари ва ҳаражатларининг прогноз параметрлари 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимларни билан биргаликда тайёрланган, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган болалар спорти обьектларини куриш ва реконструкция қилишнинг аниқ манзилли дастури 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

2. Қуйидагилар:

республика ҳамда худудий ташкилотлар ва корхоналарнинг, шунингдек хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига ихтиёрий равишда ҳомийлик ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги ташабbusи 4 — 6-иловаларга* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан тақдим этилган, болалар спорти обьектларини жиҳозлаш учун 2008 йилда импорт қилинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган спорт анжомлари ва ускуналари рўйхати 7-иловага* мувофиқ маъкуллансан.

3. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимлари зиммасига:

— 2007 йилнинг 25 декабригача пудрат ташкилотларининг зарур моддий-техника базаси, иш тажрибаси мавжудлиги ва молиявий барқарорлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда 2008 йилда болалар спорти обьектларини куриш ва реконструкция қилишнинг аниқ манзилли дастурига киритилган обьектлар бўйича тендер савдоларини якунлаш;

+

болалар спорти обьектларида қурилиш-монтаж ишларини олиб боришида намунавий лойихаларга, шунингдек тасдиқланган қурилиш меъёрлари ва коидаларига қатъий амал килиш;

болалар спорти обьектларини ихтиёрий ҳомийлар ҳисоби ва кучи билан ташаббускорона ҳамда назоратсиз қуриш оқибатида белгиланган стандартларга амал қилмаслик ва мазкур обьектлардан фойдаланиш меъёрларини бузиш ҳолларига олиб келувчи фактларга йўл қўймаслик юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси халқ таълими худудий органлари билан биргаликда:

болалар спорти обьектларини малакали мураббийлар, педагоглар ва бошқа мутахассислар билан тўлдиришни;

2008 йилда ишга тушириладиган болалар спорт комплексларини белгиланган талаб ва стандартларга мувофиқ зарур спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан ўз вақтида жиҳозлашни, шунингдек болалар, айниқса ижтимоий мададга мухтоҷ оиласалардан бўлган қизларни оммавий спортга кенг жалб этиш мақсадида улар учун спорт формалари ва жиҳозларини ҳарид қилишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси икки ой муддатда доимий равишда спорт билан шуғулланувчи болалар, шу жумладан қишлоқ жойлардаги болалар сонини белгилашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев Халқ таълими ва

* 1—7-иловалар берилмайди.

зирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари иштирокида:

икки хафта муддатда эксперт комиссиясини ташкил этсин ва маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган спорт анжомлари ҳамда жиҳозларини танқидий таҳлил этсин;

спорт анжомлари ва жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган корхоналарни инвентаризациядан ўтказсин ва икки ой муддатда ушбу корхоналарни ҳалқаро стандартларга мос энг замонавий спорт буюмлари ҳамда анжомлари ишлаб чиқариш имкониятини берадиган ускуналар билан жиҳозлаш бўйича таклифларни тайёрласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси икки ой муддатда жисмоний тарбия мураббийлари, ўқитувчиларини, спорт иншоотлари ва корхоналар раҳбарларини ҳалқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий чет эл спорт ускуналари, анжомлари, кийим ва пойабзал намуналари билан таништириш учун доимий фаолият юритадиган кўргазма залини ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси билан биргаликда табиий ҷардидан ва ҷардидан юқори сифатли маҳсулотлардан спорт буюмларини, биринчи навбатда ҷардидан тайёрланган спорт пойабзали ва анжомлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар комплексини бир ой муддатда Вазирлар Махкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир минтақада ижтимоий соҳанинг барча турдаги иншоотлари (мактаблар, академик лицеилар, қасбхунар коллажлари, спорт комплекслари, маданият обьектлари)ни қуриш ва уларни замонавий қурилиш техникаси, ускуналари ҳамда технологиялари билан жиҳозлаш бўйича ихтисослаштирилган пурдат ташкилотларини ташкил этиш бўйича хукumat қарорини қабул килсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2008 йилнинг 1 апрелигача 2008/2009 ўқув ўилидан бошлаб республиканинг олий ўқув муассасаларига сув спорти турлари, шунингдек, бадиий ва спорт гимнастикаси ихтисослари бўйича қабул қилиш квоталарини ошириш тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2008 йилнинг ҳар бир чораги яқунлари бўйича ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг худудий бўйимлари томонидан болалар спорти иншоотлари қурилиши обьектларида ҳаражатлар сметасига амал қилинишини текшириб борсин ва олиб борилган ишлар натижаси бўйича Жамғарманинг Васийлик кенгашига ахборот бериб турсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазари Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 декабрь,
ПҚ-743-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

516 «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментида ягона ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш» лойиҳасининг техник-иктисодий ҳисобкитобини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молия-иктисодий, солик соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментида ягона ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 23 июнданги 123-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **карор қиласди:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментида ягона ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш» лойиҳасининг техник-иктисодий ҳисоб-китоби иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

2. Белгилаб қўйилсинки, лойиҳанинг техник-иктисодий кўрсаткичларини мақбуллаштириш ҳисобига бўшаган маблағлар лойиҳани амалга ошириш учун олиб келинадиган асбоб-ускуналар учун божхона тўловлари тўлашга йўналтирилади.

3. Белгилансинки, доллар курсининг ошиши муносабати билан лойиҳани амалга ошириш юзасидан ажратилган маблағлардан ортиқча сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобига қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2008 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджетини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига ягона ахборот-компьютер тармоғини сақлаш учун фойдаланиш харажатларини тўлашга маблағ ажратишни назарда тутсин.

* Илова берилмайди.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 декабрь,
253-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

517 **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон қарорига ўзгартиришлар кириши ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликтарини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 5 ноябрдаги ПҚ-725-сон қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликтарини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 5 ноябрдаги ПҚ-725-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласин:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 11-сон, 70-модда) куйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

а) 5-банднинг тўртинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«фермер хўжаликлари учун лизинг муддати — 10 йил, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти машина-трактор парклари учун — 10 йилгача, қолган лизинг олувчилар учун — 7 йил»;

б) 1-илова 9-банднинг тўртинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзқишлоқхўжаликмазлизинг» компаниясига техника қийматининг қолган 85 фоизини ва фоизларни лизинг муддати мобайнода (фермер хўжаликлари — 10 йил мобайнода, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти машина-трактор парклари — 10 йилгача муддатда, қолган лизинг олувчилар — 7 йил мобайнода) тўлайдилар».

2. Ушбу қарор 2008 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазари**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 декабрь,
254-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**518 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 9 июлдаги 308-сон қарори билан тасдиқланган Қимматли қофозлар бозорида касбий фаолиятни (инвестиция институтларининг қимматли қофозлар бозоридаги фаолиятини) лицензиялаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида**

+

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 308-сон қарори билан тасдиқланган Қимматли қофозлар бозорида касбий фаолиятни (инвестиция институтларининг қимматли қофозлар бозоридаги фаолиятини) лицензиялаш тўғрисидаги низом З-бандининг иккинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 7-сон, 60-модда) куйидаги таҳхирда баён қилинсин:

«Банк фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган тижорат банклари қимматли қофозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консультантси сифатида касбий фаолиятни амалга оширишга ҳақлидирлар. Бунда тижорат банклари томонидан фаолиятнинг кўрсатиб ўтилган турларини амалга ошириш учун лицензия олиш талаб қилинмайди».

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази билан биргаликда бир ой муддатда банкларнинг қимматли қофозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консультантси сифатида касбий фаолиятни амалга оширишига талабларни назарда тутувчи норматив-хукуқий ҳужжатни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси

Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 декабрь,
255-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

519 Табиий монополия субъектларининг товарлари (ишлари, хизматлари)га нархлар (тарифлар) белгилаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш хақида

+ Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик субъектларини хукуқий химоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги хамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-59-сон Қонунининг 17-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари хақида» 2000 йил 21 сентябрдаги 364-сон қарори билан тасдиқланган Табиий монополия субъектларининг товарлари (ишлари, хизматлари)га нархлар (тарифлар) белгилаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандидаги «ва телекоммуникацияларнинг» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 декабрь,
256-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

520 **Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат хизматчиларининг лавозим маошларига йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида» 1997 йил 3 июлдаги 339-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратурасининг Олий ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида» 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-727-сон қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратурасининг Олий ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида» 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-727-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги 339-сон қарори билан тасдиқланган Давлат хизматчилари лавозимлари рўйхатининг «Конунчиликни мустахкамлаш муаммолари ва прокуратура-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази» бўлими қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратурасининг
Олий ўқув курслари**

- | | | |
|---|--|---|
| — | <p>Бошлиқ Бошлиқ ўринбосари Кафедра бошлиғи Катта ўқитувчи Ўқитувчи Бўлим бошлиғи Баш мутахассис Етакчи мутахассис 1-тоифали мутахассис 2-тоифали мутахассис».</p> <p>2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.</p> | + |
|---|--|---|

**Ўзбекистон Республикасининг
Баш вазари**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 17 декабрь,
258-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

521 Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат порталини янада ривожлантириш чора-тад- бирлари тұғрисида

«Ахборотлаштириш тұғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид құшимча чора-тадбирлар тұғрисида» 2005 йил 8 июляғы ПҚ-117-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат порталини янада ривожлантириш мақсадыда Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласы:**

1. Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат портали тұғри-
сидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:
бір ой муддатда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ўзин-
фоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш
маркази таркибіде ходимларининг умумий сони 2-иловага мувофиқ 12 нафар бўлган
Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат порталини ахборот билан
таъминлаш ва ривожлантириш гурухини (кейинги ўринларда Гурух деб аталади)
ташкил этсин;

+

Ўзбекистон Республикаси Электрон Хукумати яратилиши ва янада ривожлан-
тирилишини ҳисобга олган ҳолда Гурухни замонавий моддий-техника базаси билан
таъминласин;

-

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Интернет тармоғида Ўзбекистон
Республикасининг Хукумат порталида жойлаштириш учун вазирликлар ва идо-
ралар томонидан тақдим этилаётган ахборотлар, уларнинг даврийлиги ва мунтазам-
лиги тұғрисида йилнинг ҳар чорагида ҳисобот тақдим этсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг
Хукумат портали харажатларини молиялаштириш, моддий-техник таъминлаш ва унга
хизмат қўрсатиши тасдиқланган смета доирасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаш-
тириш агентлигининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш
жамғармаси маблағлари, шунингдек конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа
манбалар ҳисобига амалга оширилади.

4. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,
вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимликлари:

бір ой муддатда ахборот рўйхатлари ва тақдим этиши муддатлари, шунингдек
ахборот материалларини жойлаштиришга рухсат бериш ва ахборот хизматлари то-
монидан Гурухга кейинчалик Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг
Хукумат порталида жойлаштириш учун ахборот тақдим этиши учун масъул шахс-
ларни тайинлаш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқсинар ва тасдиқласинлар;

ахборот хизматлари томонидан Гурухга идора фаолияти, амалга оширилаётган
ишлар, таркибий ва кадрларга оид ўзгаришлар, қабул қилинган қарорлар, шунинг-
дек қўрсатилаётган интерактив хизматлар тұғрисида хафтада камида бир марта
ахборот тақдим этилишини таъминласинлар;

ўз расмий ахборот ресурсларининг конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ-
лигини бир йилда камида иккى марта экспертизадан ўтказсинар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 17 декабрь,
259-сон

Вазирлар Махкамасининг
2007 йил 17 декабрдаги 259-сон қарорига
1-илова

**Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг
Хукумат портали тұғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиеcий ва ижтимоий-иктисодий ҳаёти тұғрисидаги ахборотларни тарқатиш, Ўзбекистон Республикаси Хукумати, давлат ва хұжалик бошқаруви, маңаллий давлат ҳокимияти органдары (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) фаолиятини көнг ёритиши, шунингдек ташкилотлар томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланған ҳолда интерактив давлат хизматлари күрсатыши мақсадида Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат портalinи ташкил этиши, ривожлантириши, тизимли құллаб-құвватлаш ва ахборотлар билан таъминлаш юзасидан умумий талабларни белгилайди.

2. Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикасининг Хукумат портали (кеинги ўринларда Портал деб аталади) Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг расмий давлат ахборот ресурсы хисобланади.

3. Портал ташкилотларнинг электрон-ахборот ўзаро ҳамкорлығи инфратузил-масининг, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар үртасидаги тизим яратувчи элементи хисобланади.

II. Порталнинг мақсадлари

4. Қуйидагилар Порталнинг асосий мақсадлари хисобланади:
давлат ахборот ресурсларини шакллантириши ва ривожлантириши, ташкилотлар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга интерактив давлат хизматлари күрса-тиши учун мұлжалланған ихтисослаштирилған ахборотлар тизимини яратиши;

тегишли ахборот ресурсларини ташкил этиши ва жойлаштириши йўли билан республика ахолиси ҳамда халқаро жамоатчиликнинг Ўзбекистон Республикаси Хукумати фаолияти тұғрисида, республиканинг ижтимоий-сиеcий ва ижтимоий-иктисодий ҳаётида амалга ошириләтган ислохотлардан хабардорлигини таъминлаш;

ташкилотларнинг юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлығи сама-радорлигини оширишга күмаклашиш;

аҳолининг тегишли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятлари ва тартиботлари тўғрисида уларни хабардор қилиш;

ахборотларни айирбошлиш ва тарқатиш тезлиги даражаси, ташкилотларнинг хабардорлиги даражаси ўсиши хисобига ташкилотлар фаолиятининг сифати ва са- марадорлигини оширишга кўмаклашиш;

ахборотларни идоралараро электрон айирбошлишни бирхиллаштириш.

III. Порталдаги ахборотларнинг мазмунига қўйиладиган талаблар

5. Қўйидаги маълумотларнинг мавжуд бўлиши ва уларнинг ишончлилиги Порталдаги ахборотлар мазмунига қўйиладиган асосий талаблар хисобланади:

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар;

республиканинг давлат тузилиши таркиби, республикани бошқаришнинг давлат, ижтимоий-сиёсий ва иктиносидий институтлари тўғрисидаги маълумотлар;

ташкилотларнинг фаолияти, шунингдек тузилмаси, функциялари, вазифалари, ваколатлари ва алоқалари тўғрисидаги маълумотлар;

юридик ва жисмоний шахслар учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш ёки олиш шартлари, шакллари, бланкалари, тартиби ва тартиботлари тўғрисидаги маълумотлар;

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари тўғрисидаги маълумотлар;

+ ташкилотларда ва давлат ахборотлаштириши соҳасида ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши тўғрисидаги маълумотлар;

- мамлакатдаги муҳим воқеалар тўғрисидаги маълумотлар, фотоархив, ташкилотларнинг турли тузилмаларидан ва давлат ҳокимияти органларидан олинган тадбирлар ҳақидаги маълумотларнинг қисқача мазмуни;

бушка умумий фойдаланиладиган маълумотлар.

IV. Портални ахборот билан таъминлашни ташкил этиш тартиби

6. Қўйидагилар Порталга жойлаштириш учун ахборот манбалари хисобланади:

ташкилотларнинг фаолияти, амалга оширилаётган ишлар, таркибий ва кадрларга оид ўзгаришлар, қабул қилинган қарорлар ва ҳоказолар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг матбуот котиби, ташкилотларнинг ахборот хизматлари томонидан ҳар хафтада камида бир марта тақдим этиладиган ахборотлар;

оммавий ахборот воситаларидан, шу жумладан электрон оммавий ахборот воситаларидан олинадиган ахборотлар;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бушка манбалар.

7. Порталга жойлаштириш учун тақдим этилаётган ахборотда Ўзбекистон Республикасининг давлат сири бўлган маълумотлар ёхуд қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилиши чекланган бушка маълумотлар бўлмаслиги керак.

Ташкилотларнинг ахборот материалларини Ҳукумат порталида жойлаштиришга рухсатномани раҳбар ёки раҳбар томонидан белгиланган тартибда белгиланадиган бушка шахс беради.

8. Порталга жойлаштириш учун тақдим этилаётган ахборотлар мавзулари бўйича долзарб, ишончли, яхлит, аниқ тузилган ва тақсимланган бўлиши керак.

9. Порталга ахборотлар Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида тақдим этилиши керак. Шу билан бирга, Порталда ахборотларнинг рус ва инглиз тилларидаги, шунингдек бошқа тиллардаги мазмуни бир хил ёхуд қисқартирилган версиялари бўлиши мумкин.

V. Портал ишини ташкил этиш

10. Порталга «Ўзинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази хузуридаги Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини ахборот билан таъминлаш ва ривожлантириш гурухи томонидан, ушбу Низомга иловадаги схемага мувофиқ хизмат кўрсатилади.

11. Қўйидагилар Гурухнинг асосий функциялари ва вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг матбуот котиби, ташкилотларнинг улар фаолиятини ёритувчи ахборот хизматлари, давлат рўйхатидан ўтказилган оммавий ахборот воситалари томонидан мунтазам равишда тақдим этиладиган республиканинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иктисодий соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисидаги ахборот материаллари рўйхатини аниқлаш ва Порталда эълон қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбаларни аниқлаш;

«Ўзинфоком» марказининг бошқа бўлинмалари билан ўзаро узвий ҳамкорлика Порталнинг ахборот хавфсизлигини ва узлуксиз фаолият кўрсатишни таъминлаш;

ташкилотларга улар ўртасида, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар ўртасида электрон-ахборот ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича кўмаклашиш;

ташкилотлар ахборот ресурсларининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан доимий мониторинг олиб бориш;

Портал фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш, Портал воситасида кўрсатиладиган интерактив хизматлар рўйхатини кенгайтириш ва сифатини ошириш, шунингдек аҳоли ҳамда тадбиркорлик тузилмаларининг ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ташкилотларнинг ахборот ресурслари ҳолатини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш;

Портал, ташкилотларнинг ахборот ресурслари, Портални ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболлари тўғрисида босма материалларни тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш, бу ҳақда телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар ташкил этиши;

Портал фаолияти, кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари тўғрисида жамоатчилик, тадбиркорлик тузилмалари вакиллари ва бошқа Интернетдан фойдаланувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш бўйича таҳлилий ишлар олиб бориш;

ташкилотлар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ахборот-маълумотнома ишларини олиб бориш учун Гурух фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича таҳлилий, статистик ва бошқа материаллар маълумотларининг тизимлаштирилган банкини яратиш.

12. Гурух:

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ҳаёти, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ўзиши, таҳлил қилиши ва ягона шаклда умумлаштириши;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг матбуот котиби, ташкилотларнинг ахборот хизматлари томонидан тақдим этилган ахборотларни давлат тилида, шунингдек мазмунан бир хил ёки қисқартирилган версияларини рус, инглиз тилларида ва бошқа тилларда бир кун муддатдан кечиктирмай Порталда жойлашириши;

тақдим этилган ва шакллантирилган ахборотларни узатиш, қайта ишлаш, эълон килиш ва сақлаш жараёнида уларнинг тўлиқлигини таъминлаши;

Интернет тармоғидан фойдаланувчилар учун Порталдан узлуксиз фойдаланиш имкониятини таъминлаши;

Портални янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича ушбу Низомга зид бўлмаган тадбирларни, шу жумладан техник тусдаги тадбирларни амалга ошириши;

Интернет тармоғидан фойдаланувчилар томонидан Порталнинг зарурлиги ва самарадорлиги тўғрисида жамоатчилик фикр-мулоҳазаларини ўрганиш асосида кўрсатилётган интерактив хизматларни яхшилаш бўйича таклифларни шакллантириши;

Портал фаолиятини ва кўрсатилаётган интерактив хизматларни ҳар чоракда камида бир марта оммавий ахборот воситаларида ёритиши шарт.

VI. Жавобгарлик

13. Гурух ахборотларнинг Порталда ўз вақтида жойлаширилиши, шунингдек ушбу Низомда назарда тутилган вазифаларнинг бажарилиши учун жавоб беради.


14. Конун хужжатларига мувофиқ Порталда жойлашириладиган ахборотларнинг ишончлилиги, мазмуни ва ўз вақтида тақдим этилиши учун тегишли ташкилотлар жавоб беради.

+

-

Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини
түғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини
ахборот билан таъминлаш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш схемаси**



- — Гурухга ҳафтада камида бир марта ахборот тақдим этиш;
- — ташкилотлар томонидан тақдим этилгандан кейин бир кун муддатда тақдим этиладиган ахборотлар.

+

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 17 декабрдаги 259-сон қарорига
2-ЙЛОВА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ўзинфоком» маркази
хузуридаги Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини
ахборот билан таъминлаш ва ривожлантириш гурухининг ташкилий тузилмаси



Бошқарув ходимларининг умумий сони — 12 киши.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

523 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзи ларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида

Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг адлия органлари ва муассасалари фаолиятини молиялаштириш учун йўналтириладиган маблағларидан фойдаланишда қонун ҳужжатларини бир хилда қўллаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласиди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 21 декабрь,
263-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 21 декабрдаги 263-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 18 мартағи 147-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 3-сон, 26-модда):

а) муқаддимадаги «ва адлия органларининг» сўzlари «адлия органлари ва муассасаларининг (кейинги ўринларда адлия органлари деб юритилади)» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 1-бандидаги «судлар ва адлия органларининг» сўzlари «судлар, адлия органлари ва муассасалари (кейинги ўринларда адлия органлари деб юритилади)» сўzlари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 8-сон, 79-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 4-бандидаги «ҳамда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари» сўzlари «Судлар, адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар» сўzlари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 21 декабрдаги 263-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Туғилганлик, никоҳ қайд этилганлиги ва ўлим хақидаги гербли гувоҳномалар шаклини тасдиқлаш, герб йифимини жорий қилиш тўғрисида» 1997 йил 30 июндаги 330-сон қарорининг 2-банди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 30 апрелдаги 197-сон қарорига илованинг 9-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 34-мода).

+

-

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИФИНИНГ
БУЙРУФИ

525 Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиа-
корхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссиялари-
ни тайинлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
11 декабрда 1747-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 21 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни ИКАО стандартлари ва тавсиялари (Чикаго конвенциясига 1-илова «Авиация ходимларига гувохнома бериш») ни инобатга олган ҳолда парвоз хавфсизлигини тиббий таъминлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида **бу-юраман:**

- 1. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссияларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.
- + 2. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач амалга кириллсин.

**Парвозлар хавфсизлигини
назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлиғи**

Х. ТРОБОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 15 ноябрь,
167-сон

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 15 ноябрдаги 167-сон бўйруғи билан
ТАСДИКЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиаацияси
авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссияларини
тайинлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Халқаро фуқаро авиаацияси ташкилоти (ИКАО) стандартлари таъминлалигига («Авиация ходимларига гувоҳнома бериш» Чикаго конвенциясига 1-илювий) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиаацияси авиаходимларини тиббий кўрикдан ўтказишни амалга оширадиган тиббий-учиш эксперт комиссияларини тайинлаш тартибини белгилайди.

II. Умумий қоидалар

1. Мазкур хужжатда қўйидаги асосий атамалар ва тушунчалардан фойдаланилди:
авиация ходимлари — фаолиятлари учишни ташкил қилиш, бажариш ва таъминлаш, шунингдек ҳаво қатновига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ходимлар;

ТУЭК — фуқаро авиаацияси тиббий муассасалари ҳузурида ташкил этиладиган Тиббий-учиш эксперт комиссияси;

тиббий-учиш экспертизаси (ТУЭ) — саломатликларининг ахволи бўйича учиш хавфсизлигини кафотлайдиган шахсларни танлаб олиш ва уларни учиш ишларида сақлаб туриш ҳамда касбий омилларнинг инсон организмига таъсирини ўрганиш мақсадига эга бўлган авиаация тиббийтинг етакчи йўналиши;

ФА — фуқаро авиаацияси;

Дававианазорат — Ўзбекистон Республикасининг Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси;

ариза берувчи — гувоҳнома олишни (муддатини узайтиришни) сўраб Дававианазоратга ёзма ариза тақдим қилган ТУЭК;

ХФАТ — Халқаро фуқаро авиаацияси ташкилоти (ИКАО);

ТСҚ — тиббий санитария қисми;

гувоҳнома — Дававианазорат томонидан берилган, белгиланган талабларга мувофиқ аризада кўрсатилган соҳада фаолият олиб боришга қодирлигини ва белгиланган муддат давомида тиббий экспертизани амалга ошириш қобилиятини тасдиқловчи белгиланган намунадаги расмий хужжат;

МТУЭК — Дававианазорат ҳузурида ташкил этиладиган Марказий тиббий-учиш эксперт комиссияси;

ТУЭК аъзоси — авиаация тиббиёти соҳасида тайёргарликдан ўтган, амалий малакага ва авиаацияда иш тажрибасига эга бўлган гувоҳнома олиш учун тиббий кўрикдан ўтиш бўйича талаблар белгиланган авиаходимларнинг соғликлари ҳолати бўйича тиббий кўрикдан ўтказиш учун Дававианазорат томонидан тайинланадиган шифокор;

МОК — малака ошириш курслари.

2. МТУЭК қарори билан тайинланадиган ТУЭК Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиаацияси ходимларини тиббий кўрикдан ўтказишни амалга ошириш мақсадида тузилади.

3. ТУЭК тайинлаш тўғрисида қарор мазкур Низомда белгиланган тартибда гувоҳнома бериш йўли билан ТУЭК тайинлаш жараёнини ўз ичига олади.

4. ТУЭКни тайинлаш жараёнидан ўтмаган ва тегишли гувоҳномага эга бўлмаган тиббий муассасалар ТУЭК ваколатига кирувчи фаолиятни амалга ошириш хукуқига эга эмаслар.

5. ТУЭКни тайинлаш жараёни мажбурий бўлиб, бепул ўтказилади.

6. Тайинланган ТУЭК фаолияти устидан назорат режали ва режадан ташқари инспекция текширувлари ўтказиб туриш орқали ТУЭК томонидан амалга оширилади.

7. ТУЭК фаолиятининг белгиланган талабларга мувофиқлигини назорат килишни амалга ошириш учун гувоҳнома эгаси гувоҳноманинг амал қилиш муддати давомида гувоҳнома берилган пайтдаги шароитларнинг ўзгарганлиги тўғрисида МТУЭКни хабардор қилиб туриши шарт.

II. ТУЭК ни тайинлаш босқичлари

8. ТУЭК тайинлаш тартиби қўйидаги босқичлардан иборат:

а) ариза берувчи томонидан зарур хужжатлар тўпламини илова қилган ҳолда ариза тақдим этиш;

б) аризани қабул қилиш ва мазкур Низом талабларига мувофиқ ариза берувчими текширувдан ўтказиш бўйича ишларни амалга ошириш;

в) инспекция текшируви натижаларини таҳлил қилиш ва гувоҳнома бериш ёки гувоҳнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

г) гувоҳномани расмийлаштириш, рўйхатдан ўтказиш ва бериш ёки гувоҳнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

— Тайинлашнинг ҳар бир ижобий натижа берсагина, кейинги босқичга ўтилиши керак. +

III. Гувоҳнома олиш учун ариза бериш ва аризага илова қилинадиган хужжатлар

9. Гувоҳнома олиш учун ариза ва зарур хужжатларнинг тўплами хат билан бирга ариза берувчи томонидан МТУЭКга ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган шакл бўйича тақдим этилади.

10. Ариза берувчи ариза беришда Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга (2002 йил 2 ноябрь, рўйхат рақами 1186) мувофиқ муайян талаблар белгиланган авиамутахассисларга тиббий хулоса бериш учун ўзининг имкониятларини тасдиқлаши шарт.

11. Ариза МТУЭК раиси номига берилади ва қўйидагича расмийлаштирилади:

а) гувоҳнома олиш учун ариза (биринчи марта берилаётганда);

б) гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаганда уни узайтириш учун ариза;

в) амалдаги гувоҳномага ўзгаришилар киритиш учун ариза.

12. Гувоҳнома биринчи марта олинаётганда, узайтирилаётганда ва унга ўзгартиришилар киритилаётганда аризанинг шакли ўзгаришсиз қолади.

13. Ўзгартишилар киритилаётганда аризада фақатгина ўзгартирилаётган маълумотлар ва хужжатлар ёки хужжатларнинг алоҳида қисмлари кўрсатилади.

14. Аризага қўйидаги хужжатлар илова қилинади:

а) тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги авиакорхона маъмурияти билан тузилган шартномалар нусхалари;

б) ТУЭК тўғрисидаги Низомнинг тасдиқланган нусхаси;

в) амалдаги санитария нормаларига мувофиқ ходимларни ва зарур жихозларни

жойлаштиришга мулк ҳуқуқи асосида ёки ижара ёхуд бошқа асосларда тегишли бўлган биноларнинг мавжудлиги тўғрисидаги хужжатлар нусхалари;

г) бўлинмалар ва хоналарнинг авиаходимларни тиббий қўрикдан ўтказишни амалга оширишни таъминлайдиган асблолар, жиҳозлар, тиббий техника ва бошқа мулклар билан жиҳозланганлиги рўйхати;

д) тиббий муассаса раҳбари томонидан имзоланган ва тасдиқланган, авиаходимларни тиббий қўрикдан ўтказишни амалга оширувчи мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги тўғрисидаги маълумотлар (ушбу Низомнинг 2-иловаси);

е) тасдиқланган штатлар жадвали, мутахассисларнинг амалдаги сони ва эгаллаган лавозимлар тўғрисида маълумотлар билан бирга;

ж) охирги 3 йил учун белгиланган шаклдаги йиллик хисобот (илгаридан фаолият кўрсатаетган ТУЭК учун);

з) кўрсатилган фаолият турларини бажарувчи функционал бўлинмалар бўйича олдинги йил иши тўғрисида хисобот.

ТУЭК тайинлашга гувоҳнома бериш ҳақида қарор қабул қилишнинг умумий муддати ариза Дававианазоратда рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб 20 кундан ошмаслиги керак.

IV. Гувоҳнома олиш учун аризани дастлабки баҳолаш

15. Аризани ва зарур ҳужжатларни дастлабки баҳолаш зарур ҳужжатларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини баҳолаш ва МТУЭК томонидан инспекция текшируви ўтказилгунга қадар бартараф этилиши зарур бўлган номувофиқликларни аниқлаш мақсадида ўтказилади.

16. Ҳужжатлар сифатсиз тайёрланганда, зарур ҳужжатлар камчиликлари кўрсатилган холда ариза берувчига қайтариб берилади. Камчиликлар тузатилгач, ариза берувчи зарур ҳужжатларни қайтадан кўриб чиқиш учун топширади. Бундай холда, ТУЭК тайинлаш бўйича ишларни бошлаш санасини ҳисоблаш аризани ва асословчи ҳужжатларни МТУЭКга қайтадан топшириш вақтидан бошланади.

17. Аризанинг кўриб чиқилиши ва асословчи ҳужжатларнинг экспертиза қилиниш натижалари ижобий бўлганда МТУЭК инспекция текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қиласи.

18. Ариза берувчининг аризаси ва зарур ҳужжатларини кўриб чиқиш муддати 5 иш кунидан ошмаслиги керак.

V. ТУЭК ни тайинлаш учун инспекция текшируви

19. МТУЭКнинг инспекция текшируви ўтказиш тўғрисидаги қарорига асосан Дававианазорат бошлигининг бўйруғи билан комиссия таркиби ва уни ўтказиш муддатлари аниқланади. Текширув Дававианазорат томонидан белгиланадиган наунавий дастурга мувофиқ амалга оширилади.

20. Инспекция текширувини ўтказишдан мақсад ариза берувчи белгиланган талабларга жавоб бериши ва аризага илова қилинган зарур ҳужжатларнинг амалдаги холатини тўғри акс эттиришидан иборатdir.

21. Ариза берувчининг инспекция текшируви текширув ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида ўтказилиши керак.

22. Инспекция текширувини ўтказишда аппаратлар ва ускуналар, тиббий ҳужжатлар ва иш юритиш қўрикдан ўтказилади, авиаходимларни тиббий қўрикдан ўтказишни таъминлайдиган ҳар бир бўлинма ва хона фаолияти таҳлил қилинади.

23. Аппаратлар ва ускуналар, тиббий хужжатлар ва иш юритишни кўриқдан ўтказиш натижалари бўйича ариза берувчи ва бир вақтнинг ўзида комиссия аъзоси хисобланадиган эксперт томонидан имзоланган ушбу Низомнинг 3-4-иловаларида келтирилган шакл бўйича муассаса аппаратлари ва жиҳозларини текшириш далолатномаси ва тиббиёт хужжатлари ва иш юритишни текшириш далолатномаси тузилади.

24. Инспекция текшируви натижалари ҳар бир йўналишдаги инспекция текшируви бўйича хисоботлар кўринишида расмийлаштирилади.

Номувофиқликлар аниқланганда, хисоботларнинг нусхалари номувофиқликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш учун ариза берувчига берилади. Хисобот шакли ва уни расмийлаштириш тартиби Дававианазорат томонидан белгиланади.

25. Ўтказилган ишларнинг натижаси, комиссиянинг хулосалари ва бажарилиши мажбурий бўлган тавсиялари акс эттирилган комплекс хулосаси инспекция текшируви натижалари бўйича якуний хужжат хисобланади.

Комплекс хулоса инспекция комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланди ва МТУЭК раиси томонидан тасдиқланади.

26. Комплекс хулосанинг бир нусхаси икки иш кунидан кечиктирмасдан ариза берувчига юборилади.

27. Агар инспекция текшируви натижалари бўйича гувоҳнома беришни рад этиш тўғрисида хулосага келинган бўлса, қайта ариза бериш олдинги инспекция текшируви тугагандан сўнг олти ой ўтгач ариза берувчи томонидан берилиши мумкин.

VI. ТУЭ нинг ташкил қилиниши ва ўтказилиш сифатини, парвозларни ва соғломлаштириш-реабилитация тадбирларининг таъминланишини баҳолаш

28. Учувчилар ва диспетчерлар таркибини, борткузатувчиларни, курсантларни ва фуқаро авиацияси ўқув юртларига кираётган номзодларни тиббий кўриқдан ўтказиш тиббий-учиш экспертизаси бўйича норматив хужжатларга мувофиқ ўтказилади. Бунда ўтказилётган фаолиятнинг амалга оширилиш шароитлари ушбу Низом ва Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлигининг норматив хужжатлари талабларига мувофиқ аниқланади.

29. ТУЭК фаолиятини баҳолашда терапевтик, неврологик, отоларингология, офтальмология, хирургик, гинекологик экспертизаларининг ва авиация мутахассисларини тиббий кўриқдан ўтказиша қатнашувчи клиник-диагностика бўлимлари (хоналари)нинг ҳажми ва сифати аниқланади, шунингдек зарур мутахассислар (эндокринолог, уролог, дерматолог, психолог ва б.) томонидан кўшимча малакали маслаҳатлар ўтказиш имконияти тасдиқланади.

30. ТУЭКнинг фаолиятини баҳолашда авиация ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари ва даволаш-профилактика тадбирларининг бажарилиши, шунингдек иш юритишнинг ҳолати таҳлил қилинади.

31. ТУЭК аъзоларининг ва бошқа авиация шифокорларининг касбий тайёргарлик даражаси клиник мутахассислар, авиация тиббиёти ва авиациядаги иш тажрибаси бўйича аниқланади.

VII. Ходимларнинг малакасига ва ТУЭК ишини ташкил этилишига қўйиладиган талаблар

32. ТУЭК қўйидаги мутахассислардан ташкил топиши керак: ТУЭК раиси,

шифокор-экспертлар (терапевт, невропатолог, отоларинголог, офтальмолог, хирург), котиб ва хона тиббий ҳамшираси.

33. Охирги эксперт қарорини чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиаацияси ходимларини тиббий қўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомда (2002 йил 2 ноябрь, рўйхат рақами 1186) назарда тутилган психолог, стоматолог, гинеколог, эндокринолог ва дерматовенерологнинг тиббий текшируви талаб қилинади. Айrim ҳолларда, ТУЭК таркибида ишлаш учун ФА корхоналари ТСҚ ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш муассасаларининг малакали мутахассисларини ТУЭ қўлланма ҳужжатлари билан таништиргандан кейингина, МТУЭК билан келишган ҳолда жалб этишга рухсат этилади

34. Эксперт лавозимига тиббиёт ўкув муассасасининг даволаш факультетини тугатган олий маълумотли ва мутахассислиги бўйича камид 5 йил, ФА да камид 2 йил иш стажига, 1-малака тоифасига эга бўлган шифокор тайинланади.

35. Шифокор-эксперт 5 йилда камид бир марта ўз мутахассислиги бўйича малакасини ошириши керак.

36. Шифокор-экспертлар учун авиация тиббиёти бўйича ўкувни ўташ мажбурий ҳисобланади.

37. ТУЭК мутахассислари уларнинг раҳбари томонидан тасдиқланган шифокор-экспертнинг мансаб йўрикномасига эга бўлишлари керак.

38. ТУЭК таркиби тўлиқ бўлмаганда тиббий қўрикдан ўтказиш ман этилади. ТУЭК раиси бўлмаган вактда унинг вазифалари бошқа тажрибали экспертга юклитилади.

Шифокор-экспертларнинг ва ТУЭК раисининг бир неча лавозимларда ва ўриндошлиқ асосида ишлашига рухсат берилмайди.

39. Ҳар бир эксперт ўз функционал мажбуриятларини, жавобгарлигини билиши керак ва тиббий қўрикдан ўтказиш самарадорлигини ошириш мақсадида уни ўтказиш тизимини такомиллаштириши лозим.

40. Ҳар бир эксперт ФА фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларнинг ФА авиаходимларини тиббий қўрикдан ўтказишга тааллуқли қўлланма ҳужжатларини, тиббий ҳужжатларни тўғри ва ўз вактида расмийлаштиришни (авиаходимнинг тиббий китобчаси, диспансер кузатуви дафтари, 30 Л шакли) билиш, шунингдек компьютер саводхонлигига эга бўлиши лозим.

VIII. Авиаходимларни тиббий қўрикдан ўтказишни амалга оширишни ташкил этиш учун биноларга қўйиладиган талаблар

41. ТУЭК санитария нормалари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг талабларига мувофиқ ходимларни ва зарур жиҳозларни жойлаштириш учун, мулк ҳуқуқи асосида ёки ижара ёхуд бошқа асосларда тегишли бўлган етарлича микдордаги биноларга эга бўлиши керак.

42. Ҳар бир шифокор-эксперт алоҳида хонага (офтальмолог ва отоларинголог шифокорларининг хоналари узунлиги 5 метрдан кам бўлмаслиги ва маҳсус текширув ўтказиш учун офтальмолог — қоронилаштирилган, отоларинголог эса — ташқи товушдан изоляцияланган қўшимча хоналарга) эга бўлиши керак.

43. ТУЭК котиби алоҳида кабинет ва авиаходимларнинг шахсий иш жиллари ни сақлаш учун хонага эга бўлиши керак.

44. Бинонинг олд томонида тиббий муассасасининг номи ва унинг иш тартиби ёзилган бўлиши керак.

45. ТУЭК иши учун стационар, клиник-биохимик лаборатория, функционал

диагностика бўлинмасига эга бўлган диагностик база мавжуд бўлиши керак, зарурит бўлганда эса Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ихтиосослаштирилган муассасалари ва илмий-тадқиқот лабораторияларидан шартнома асосида ўрнатилган тартибда фойдаланилиши мумкин.

IX. Техник жиҳозланишга талаблар

46. ТУЭК ўтказиш учун зарур бўлган тиббий аппаратлар ва ускуналар рўйхати Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низом (2002 йил 2 ноябрь, рўйхат рақами 1186) талабларига жавоб бериши керак.

47. Тиббий аппаратлар ва ускуналар рўйхати асосланган ҳолда кенгайтирилиши мумкин. Эскирган аппаратлар замонавийларига алмаштирилиши мумкин.

X. Ариза берувчига ТУЭК гувоҳномасини бериш

48. Ушбу Низомнинг IV — IX-бўлимлари талабларига жавоб берадиган ТУЭК-га белгиланган намунашаги гувоҳнома бериш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Қарор МТУЭК томонидан аризани баҳолаш ва ўтказилган инспекция текшируви натижалари бўйича қабул қилинади ва Дававианазорат бошлиғи томонидан тасдиқланади.

49. Гувоҳнома қатъий ҳисобда турувчи бланкаларда ушбу Низомнинг 5-иловасида келтирилган шакл бўйича расмийлаштирилади.

Гувоҳномаларнинг берилиши «Гувоҳномалар берилишини ҳисобга олиш журнали»да қайд қилинади.

50. Гувоҳнома комплекс хulosса асосида факат унда ижобий натижалар бўлса ва гувоҳнома бериш мумкинлиги тўғрисида қайд этилган бўлса, комплекс хulosада кўрсатилган барча шартлар (талаблар) бажарилган бўлиб ва унинг амал қилиш муддати кўрсатилиб, гувоҳнома расмийлаштирилади ва топширилади.

51. Гувоҳноманинг амал қилиш муддати МТУЭК қарорига кўра текширишнинг амалдаги натижаларини ҳисобга олган ҳолда, лекин 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади.

52. Гувоҳнома Дававианазорат бошлиғи томонидан имзоланади ва гербли муҳр билан тасдиқланади.

53. Ушбу Низомнинг 6-иловасида келтирилган шакл бўйича Дававианазорат бошлиғи томонидан имзоланадиган ва гербли муҳр билан тасдиқланадиган ТУЭК аъзоларининг тайинланган таркиби ва ТУЭК томонидан тиббий кўриқдан ўтказиш рухсат этилган авиаходимлар рўйхати ТУЭК тайинлаш тўғрисидаги гувоҳномага илова қилинади.

54. ТУЭК аъзолари таркибининг ўзгариши гувоҳнома эгасининг номзодларга таалукли зарур хужжатлар аризага илова қилинган ҳолда ёзма мурожаати бўйича киритилади. МТУЭК қарори ижобий бўлганда, гувоҳноманинг иловасини алмаштириш йўли билан унга ўзгаришлар киритилади.

55. Ариза берувчига гувоҳноманинг асл нусхаси берилади, Дававианазоратда эса унинг нусхаси сақланади.

56. Гувоҳнома йўқотилганда ёки яроксиз ҳолга келганда, унинг эгасининг аризасига кўра гувоҳноманинг дубликати расмийлаштирилиб берилади.

XI. Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш

57. Гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашидан камида 2 ой олдин гувоҳноманинг эгаси томонидан гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида ариза берилади.

58. Гувоҳномани навбатдаги муддатга узайтириш ва расмийлаштириш жараёни биринчи маротаба ТУЭК тайинлаш жараёни сингари амалга оширилади.

59. Гувоҳноманинг амал қилиш муддати давомида ўзгаришлар бўлмаган хужжатларни қайтадан топширмасликка рухсат этилади. Бундай ҳолда тегишли хужжат умумий реестрга изоҳ («ўзгаришсиз», «олдин тақдим этилган») билан бирга киритилади.

60. Истисно тариқасида Дававианазорат гувоҳноманинг амал қилиш муддатини бир ойгача бўлган муддатга узайтириши мумкин. Бундай ҳолда гувоҳноманинг амал қилиш муддатининг узайтирилиши МТУЭК қарори билан ва гувоҳномага тегишли ёзувни киритган ҳолда расмийлаштирилиб, Дававианазорат бошлиги томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

61. Навбатдаги муддатга гувоҳнома ёки гувоҳнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, ариза берувчи Дававианазоратга илгари берилган гувоҳноманинг асл нусхасини қайтариши шарт.

XII. Гувоҳномани амал қилишини тўхтатиб туриш (тиклаш), тугатиш ёки бекор қилиш

+

62. Гувоҳномани амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилиш ТУЭК томонидан ушбу Низомда белгиланган талаблар бузилган ҳолларда, ТУЭК инспекция текшируви натижаларининг хуносалари асосида амалга оширилади.

63. Гувоҳномани амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор МТУЭК раиси томонидан тасдиқланган ТУЭК инспекция текшируви далолатномаси асосида Дававианазорат бошлиги томонидан қабул қилинади.

64. Гувоҳномани амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг икки кунлик муддат ичидан тиббий муасаса раҳбарига (агар ТУЭК унинг таркибида фаолият кўрсатаётган бўлса) ёки ТУЭК раисига (агар мустақил фаолият олиб бораётган бўлса) ва тегишли авиакорхоналар раҳбарларига етказилади.

65. Гувоҳнома эгаси гувоҳномани амал қилишини тўхтатиб турилганлиги, тугатилганлиги ёки бекор қилинганлиги тўғрисида хабар олганда, ўз фаолиятини тўхтатиши ва уч кунлик муддат ичидан гувоҳноманинг асл нусхасини Дававианазоратга қайтариб бериши шарт.

66. Амал қилиши тўхтатилган гувоҳноманинг тикланиши гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатишга сабаб бўлган номувофиқликлар бартараф этилиб, аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар режаси тақдим этилгандан сўнггина МТУЭК қарорига кўра ТУЭК гувоҳномасининг асл нусхасини қайтариб берилшидан иборатdir.

67. Номувофиқликлар хақиқатан ҳам бартараф этилганлигини текшириш мақсадида МТУЭК томонидан режадан ташқари инспекция текшируви амалга оширилиши мумкин.

-

XIII. ТҮЭК фаолияти устидан назорат

68. ТҮЭК фаолияти устидан назоратни амалга ошириш мақсадида МТҮЭК бир йилда бир марта ўтказилиши мумкин бўлган инспекция текширувларини ўтказишга ҳақлидир.

69. ТҮЭК иш сифати устидан шикоятлар ва ушбу Низом талаблари бузилганиги тўғрисида маълумотлар тушган ҳолларда Дававианазорат раҳбариятининг қарорига биноан ТҮЭК фаолиятини режадан ташқари инспекция текшируви ўтказилиши мумкин.

70. Инспекция текшируви вақтида ТҮЭК раиси (у бўлмагандаги унинг вазифасини бажарувчи раис) керакли хужжатларни тақдим этиши ва уни ўтказиш учун шароитларни таъминлаши шарт.

71. Ўтказилган назорат натижаси бўйича ТҮЭК фаолияти текширилганлиги тўғрисидаги хulosалар ва тавсиялар билан бирга далолатнома тузилади.

XIV. Яқуний қоидалар

72. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

—
Тошкент ш.,
2007 йил 9 ноябрь

+

Ўзбекистон Республикаси фуқаро
авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш
эксперт комиссиясини тайинлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар
хавфиззилигини назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлиғига

**Авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш
бўйича тиббий фаолиятни амалга ошириш учун тиббий-учиш
эксперт комиссиясини тайинлашни ўтказиш учун
АРИЗА**

(ТҮЭК номи)

юридик манзили: _____

телефон _____ Факс _____

номидан

(рахбарнинг лавозими, Ф.И.О.)

авиация ходимларининг амалдаги норматив талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича тиббий фаолиятни амалга ошириш учун ТҮЭК тайинлашни сўрайди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

ТУЭК фаолиятига қўйиладиган барча шартлар ва талабларни бажаришни ўз зиммамга оламан.

ТУЭК тайинлаш керак бўлган ТУЭК фаолияти доирасининг тавсифи:

Кўшимча маълумотлар _____

Қўйидаги зарур хужжатлар илова қилинади:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____

Раҳбар _____
(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро
авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш
эксперт комиссиясини тайинлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

+

ТУЭК аъзоларининг таркиби

(ТУЭК номи)

| Ф.И.О. | Мутахас- сислиги ва лавозими | Малака тоифаси, илмий дарражаси (кайси йилда берилган ёки тасдиқланган) | Авиатиббиёт бўйича ихтиослиги (кайси йилда) | Асосий иши бўйича МОК (кайси йилда, қачон) | Иш стажи (умумий ва ФА) | Тиббиёт ўкув муассасасининг номи, диплом рақами ва берилган санаси |
|--------|------------------------------------|--|--|---|----------------------------------|--|
| | | | | | | |

ТУЭК раиси _____
(имзоси ва Ф.И.О.)

М.Ў.

200____ й. «____».

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро
авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш
эксперт комиссиясини тайинлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

**Муассасанинг аппаратлари ва жиҳозларини текшириш
далолатномаси**

ТУЭК тиббий муассасанинг номи: _____

Эксперт: _____

| T/p | Фаолият мезонлари | Баҳо +/- |
|-----|---|----------|
| 1. | Тиббий ускунанинг техник ҳужжатлари мавжудлиги: техник таъриф, паспорт, техник хизмат қўрсатиш журнали ва б. | — |
| 2. | Тиббий ускунанинг техник ҳолати: созлиги, имкониятларидан қай даражада фойдаланиб бўлиши, фойдаланиш муддатлари, маънавий эскириш. | + |
| 3. | Нормативларга нисбатан тиббий ускуналар билан таъминланганлик. | — |
| 4. | Метрологик назорат ва унинг ўз вақтида ўтказилиши, метрологик ташкилотлар билан шартномалар мавжудлиги. | — |
| 5. | Таъмирлаш ва техник хизмат қўрсатишнинг ташкил этилганлиги, таъмирловчи ташкилотлар билан шартномалар мавжудлиги. | — |
| 6. | Хавфсизлик техникасининг ҳолати: эксплуатация ҳуқуқини берувчи гувоҳнома ва йўриқномаларнинг мавжудлиги, хавфсизлик техникаси бўйича кириш ва навбатдаги ўрганишларнинг ўтказилганлиги, маҳсус кийим ва ҳимоя воситалари билан таъминланганлик. | + |

Сана: 20____ й. «____» _____

(ариза берувчининг имзоси)

(Ф.И.О.)

Экспертнинг хуносаси:

Сана: 20____ й. «____» _____

(экспертнинг имзоси)

(Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро
авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш
эксперт комиссиясини тайинлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Тиббиёт ҳужжатлари ва иш юритилишини текшириш
далолатномаси**

ТУЭК Тиббий муассасанинг номи: _____

Эксперт _____

| T/p | Фаолият кўрсаткичлари | Баҳо +/– |
|-----|--|----------|
| 1. | Ҳисобга олиш-ҳисобот ҳужжатларининг мавжудлиги. | |
| 2. | Ҳисобга олиш ҳужжатларининг олиб борилиш сифати: шикоят ва анамнез, объектив статус, қўшимча тадқиқотлар, масла- ҳатлар, ташхис, даволаш, динамик кузатув ва касаллик бўйича эпикриз. | |
| 3. | Иш юритишнинг белгиланган норматив қоидаларига риоя этиш. | |
| 4. | Тиббий ҳужжатларнинг архивда сақланиши: шартлари ва муддат- ларига риоя этиш; ҳужжатларни йўқ қилиш тўғрисидаги далолатномаларнинг мав- жудлиги. | |
| 5. | Ҳисоботларнинг ўз вақтида ва сифатли тақдим этилиши. | |
| 6. | Ҳисобга олиш-ҳисобот ҳужжатлари сифатини назорат қилиш. | |
| 7. | Оргтехникадан фойдаланиш. | |

Сана: 20____ й. «____» _____

(ариза берувчининг имзоси)

(Ф.И.О.)

Экспертнинг хуносаси:

Сана: 20____ й. «____» _____

(экспертнинг имзоси)

(Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси
авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссиясини тайинлаш тартиби тўғриси-
даги низомга
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг герби

**Ўзбекистон Республикаси
Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш
давлат инспекцияси**

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиаацияси
ТУЭК
ГУВОХНОМАСИ

Ушбу гувохнома орқали _____ ТУЭК
(ташкилот номи ва манзили)

гувохноманинг ажралмас қисми хисобланган маҳсус иловадаги шартлар ва чеклов-
ларга мувофиқ авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказишини амалга ошириш
бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиаацияси тиббий-учиш эксперт комиссияси
сифатида тасдиқланади.

— Ушбу гувохнома бошқаларга берилиши мумкин эмас.
Унинг амал қилиши белгиланган тартибда тўхтатиб турилиши, тугатилиши ёки
бекор қилиниши мумкин. +

Кучга кириш вақти _____
_____ гача ҳақиқийдир.

**Ўзбекистон Республикаси
Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғи**

(Ф.И.О., имзо)

М.Ў.

Биринчи марта гувохнома берилган сана: 200____й. «____» _____

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиаацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссиясини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

ТУЭК гувоҳномасига _____ - илова

А қисм. _____ ТСҚ ТУЭК тайинланган аъзолари

| T/p | Фамилияси, исми, отасининг исми | Мутахассислиги | Лавозими |
|-----|---------------------------------|----------------|----------|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |
| 4. | | | |

В қисм. ТУЭКга қўйидаги авиаходимларни тиббий кўриқдан ўтказишга рухсат этилган _____
(авиаходимлар исм-шарифи)

Кучга кириш вақти _____

+

Дававианазорат бошлиги

(Ф.И.О., имзо)

М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

526 Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
13 декабрда 630-10-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 23 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви қарор қилиди:

1. Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга (1999 йил 11 февраль, рўйхат рақами 630) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин амалга киритилсин.

—

+

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 17 ноябрь,
31/3-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

527 Тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
13 декабря 949-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 23 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви қарор қилиди:

1. Тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга (2000 йил 25 июль, рўйхат рақами 949) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин амалга киритилсин.

+

-

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 17 ноябрь,
31/2-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

528 Давлат улушларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компаниялар ва ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 15 декабрда 1394-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2007 йил 25 декабрдан кучга киради)

Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқариш жараёнида давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компанияларнинг фаолияти самарадорлигининг зарур назоратини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш қўмитасининг 2005 йил 1 ноябрдаги 01/06-18/06-сонли қарори (2005 йил 11 ноябрь, рўйхат рақами 1394 — Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 йил, 30-сон, 351-модда; 2005 йил, 45-сон, 348-модда) билан тасдиқланган Давлат улушларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компаниялар ва ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага* мувофиқ тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулкини бошқариш
давлат қўмитаси раиси**

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 22 ноябрь,
01/12-18/17-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

529 2008 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклла- рини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
15 декабря 1748-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 25 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қиласи**:

1. 2008 йил учун Давлат статистика ҳисоботи шакллари 1 — 195-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур Қарор билан тасдиқланаётган давлат статистика ҳисоботларининг йиллик шакллари — 2007 йил учун ҳисоботдан бошлаб, жорий ҳисобот шакллари — 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киритилсан.

3. Давлат статистика қўмитасининг қўйидаги қарорлари 2008 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан:

«Иқтисодиёт тармоқлари бўйича давлат статистика ҳисоботлари шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2006 йил 1 декабрдаги 12-сонли);

«Қишлоқ хўжалиги ва экология бўйича давлат статистика ҳисоботлари шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2006 йил 1 декабрдаги 13-сонли);

«Микрофирма ва кичик корхоналар учун давлат статистика ҳисоботлари шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2006 йил 1 декабрдаги 14-сонли);

«Ижтимоий соҳа бўйича давлат статистика ҳисоботлари шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2006 йил 1 декабрдаги 15-сонли).

4. Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

F. ҚУДРАТОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 9 ноябрь,
18-сон

* Иловалар берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

**530 Солик маслаҳатчиси малака сертификатини олиш
учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтка-
зиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
17 декабря 1749-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 27 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Солик маслаҳати тўғрисида»ги Қонунига асо-
сан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Солик маслаҳати соҳаси-
ни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 20 мартағи 55-сон қарорига
(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 12-сон, 111-модда.)
мувофиқ қарор қиласиз:

1. Илова қилинаётган Солик маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун
малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом тас-
диқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйха-
тидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

—

+

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 17 декабрь,
108-сон

**Давлат солик
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 17 декабрь,
2007-63-сон

Молия вазирлиги ва Давлат солик
кўмитасининг 2007 йил 17 декабрдаги
108, 2007-63-сон карори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Солик маслаҳатчиси малака сертификатини олиш
учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва
ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Солик маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги «Солик маслаҳати соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 55-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 йил, 12-сон, 111-модда) мувофиқ солик маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Малака имтиҳони солик маслаҳатини бериш фаолиятини амалга ошириш учун солик маслаҳатчisinинг малака сертификатини олишга даъвогар бўлган шахслар (кейинги ўринларда — даъвогарлар деб юритилади) билимларини текшириш воситаси хисобланади.

+ 2. Малака имтиҳонини топширишга мазкур Низом билан белгиланадиган малака талабларига жавоб берадиган даъвогарлар қўйилади.

-

II. Малака талаблари

3. Солик маслаҳатчиси малака сертификатини олишга даъвогар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- а) олий маълумотга эга бўлиши;
- б) солик маслаҳатчilarини тайёрлаш бўйича маҳсус ўкув курсларини ўтаган бўлиши;
- в) камида 5 йил иш стажига, шу жумладан камида 2 йил иқтисодий ёки юридик мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлиши.

4. Солик маслаҳатчilarини тайёрлаш бўйича маҳсус ўкув курсини белгиланадиган тартибда аккредитация қилинган давлат ва нодавлат таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (кейинги ўринларда — Молия вазирлиги деб юритилади) томонидан тасдиқланадиган ўкув Дастури асосида амалга оширадилар.

III. Малака имтиҳонини топшириш учун тақдим этиладиган хужжатлар

5. Солик маслаҳатчisinинг малака сертификатини олишга даъвогар Молия вазирлигига қўйидаги хужжатларни илова қилган холда мазкур Низомнинг 1-иловасидаги шаклга мувофиқ малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисида аризани тақдим этади:

- а) тўлдирилган анкета (мазкур Низомнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ);

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

б) олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг хужжатни берган муассаса томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ёхуд нотариал тасдиқланган кўчирма нусхаси;

олий маълумот тўғрисидаги хорижий хужжатнинг эквивалентлигини тан олиш ҳақидаги ваколатли давлат органи гувоҳномасининг хужжатни берган муассаса томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ёхуд нотариал тасдиқланган кўчирма нусхаси (хорижий таълим муассасасида олинган олий маълумотга эга бўлганда);

в) меҳнат дафтарчасидан нотариал тасдиқланган кўчирма;

г) 3 x 4 ўлчамида икки дона ранги фотосурат (сўнгги 12 ой мобайнида қилинган);

д) Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда акредитациядан ўтган таълим муассасасида солиқ маслаҳатчилирни тайёрлаш бўйича ўқув курсларини ўтаганлиги тўғрисидаги хужжатнинг асл нусхаси ёки белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси (агар ўқиш тугаган санадан бошлаб хужжатларни топшириш санасига қадар бир йилдан кўп вақт ўтмаган бўлса, у ҳақиқий деб топилади). Агар дастурнинг айрим бўлимлари тури таълим муассасаларида ўрганилган бўлса, у холда тегишли ўқувларни ўтаганлиги тўғрисида хужжатларнинг асл нусхалари ёки белгиланган тартибда тасдиқланган нусхалари тақдим этилади;

е) малака сертификатини расмийлаштириш ва бериш учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи банк тўлов хужжати.

Кўрсатилган хужжатлар бир нусхада, имзолangan холда ўзи томонидан ёки етказилганлиги тўғрисида хабар қилган холда буюртма хат билан тақдим этилади.

IV. Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рухсат беришни рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш тартиби

6. Молия вазирлиги ариза келиб тушган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рухсат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласи.

7. Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилинганда Молия вазирлиги малака имтиҳонини топширишга рухсат берилганлар рўйхатини имтиҳон комиссиясига тақдим этади.

8. Малака имтиҳонини топширишга рухсат берилганлар даъвогарлар малака имтиҳонини ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида у ўтказилишидан камида ўн кун олдин ёзма равишда хабардор қилинади.

9. Молия вазирлиги тегишлича расмийлаштирилмаган хужжатлар тақдим қилинганда, шунингдек, даъвогар мазкур Низомнинг З-бандида баён этилган малака талабларига мувофиқ келмаса, даъвогарга малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни рад этишга ҳақлидир.

10. Малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Молия вазирлиги қарор қабул қилинган санадан бошлаб, уч иш кунидан кечиктирмай рад этиш асосларини кўрсатган холда қабул қилинган қарор тўғрисида даъвогарни хабардор қиласи ва тақдим этилган хужжатларни қайтаради.

Даъвогарга малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш рад этилган тақдирда, даъвогар фақат рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этгандан сўнг, ариза билан қайта мурожаат қилишга ҳақлидир.

11. Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш рад этилгандан сўнг даъво-

гар бир йил ичидагайта мурожаат этса малака сертификатини расмийлаштириш ва бериш учун тўлов қайта тўламайди.

V. Имтиҳон комиссияси

12. Малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш учун Молия вазирлиги томонидан имтиҳон комиссияси ташкил этилади. Имтиҳон комиссияси раис, раис ўринбосари, котиб ва камидаги бешта аъзодан иборат бўлади.

Имтиҳон комиссияси таркибига Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ишчилари ва зарурият бўлган тақдирда солик маслаҳатини бериш соҳаси мутахассислари киритилади.

13. Имтиҳон комиссияси низоми, унинг шахсий таркиби ва иш юритиш регламенти Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Имтиҳон комиссияси имтиҳон комиссияси 50 фоизи иштирок этган таркибда ва раис ёки раис ўринбосарининг мажбурий иштирокида малака имтиҳонларини ўтказишга ҳақлидир.

14. Имтиҳон комиссиясининг ишлари баённомалар билан расмийлаштирилади. Баённомалар имтиҳон комиссияси раиси томонидан тасдиқланади ва унинг барча аъзолари томонидан имзоланади.

VI. Малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

+

15. Малака имтиҳони гурухлар шаклланганда, аммо чоракда камидаги бир марта ўтказилади. Даъвогарлар сони 10 дан ортса, гурух шаклланган деб хисобланади.

16. Имтиҳон ўтказиш жойи Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Имтиҳон ўтказиладиган хона (аудитория) даъвогарлар сонига мос жойлар сони ва тегишли шароитлар билан таъминланган бўлиши лозим.

17. Малака имтиҳони уч астрономик соат ичидаги ёзма шаклда тест ўтказиш йўли билан ўтказилади.

18. Имтиҳон тестлари саволлари солик маслаҳатчиларини тайёрлаш бўйича маҳсус ўқитиши курсларининг тасдиқланган дастурлари асосида ишлаб чиқилади ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади. Тестлар мазмунни қонун ҳужжатларига киритилган ўзgartиришлар ва қўшимчаларни хисобга олган ҳолда даврий қайта кўриб чиқилади.

19. Малака имтиҳони пайтида даъвогарларга бериладиган имтиҳон материалари қўйидагилардан иборат:

имтиҳон карточкаси;

имтиҳон модули;

жавоблар буклети.

20. Имтиҳон карточкаси даъвогарлар тўғрисидаги маълумотларни, унинг идентификация раками (ИР) ҳамда имтиҳон ўтказилиш коидаларини ўз ичига олади. Даъвогарнинг исми, фамилияси, отасининг исми фақатгина имтиҳон карточкасида ифодаланади, бошқа имтиҳон материалларида (имтиҳон модули ва жавоблар буклетида) даъвогарнинг идентификация раками (ИР) кўрсатилади.

21. Имтиҳон модулларида тест саволлари кўрсатилади. Имтиҳон модуллари 60 та тест саволларидан иборат бўлади, жумладан:

солик ҳуқуқи — 8;

юридик ва жисмоний шахсларни соликка тортиш — 16;

иктисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш — 12;

-

солиқ маслаҳати беришнинг ҳуқуқий асослари, ташкил этиш ва услуги — 5; бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи — 14;

солиқ ҳисоб-китоблари ва режалаштиришда иқтисодий таҳлил — 5.

22. Имтихон модули ва жавоблар буклети битта тартиб рақам остида рақамланади.

23. Даъвогарларни рўйхатга олиш имтихон бошланишидан 30 дақиқа олдин бошланади ва 10 дақиқа олдин тугатилади.

24. Даъвогарлар малака имтихонини топширишга паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат тақдим этилганда рухсат берилади. Даъвогар ўзини рўйхатга олингандигини малака имтихонини топшириш учун ҳозир бўлган даъвогарларнинг рўйхатга олиш рўйхатига имзо қўйган холда тасдиқлайди.

25. Паспорти ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжати бўлмаган ёхуд малака имтихонига кечиккан даъвогарлар малака имтихонига келмаган деб ҳисобланадилар ва навбатдаги малака имтихонини топширишга рухсат этилган шахслар рўйхатига ўтказилади.

26. Рўйхатга олиш тугагандан сўнг даъвогарлар имтихон комиссиясига (имтихон расмий бошланишига қадар 10 дақиқа олдин) имтихон хонасига таклиф этиладилар.

27. Бегона шахсларга ва кузатувчиларга малака имтихонида қатнашишга рухсат берилмайди.

28. Малака имтихони бошланишидан олдин имтихон комиссияси раиси ёки раис ўринbosари малака имтихонини ўтказиш тартиби ва тестларни тўлдириш тартиби тўғрисида даъвогарларни хабардор этади.

29. Малака имтихони комиссияси раиси ёки раис ўринbosари имтихон комиссияси аъзоларининг ва даъвогарларнинг иштирокида тестлар бўлган маҳсус мухрланган пакетни очади.

30. Имтихон модуллари ва жавоб буклетлари даъвогарларга имтихон бошланишидан олдин тарқатилади.

31. Имтихон модули ва жавоб буклетида даъвогар ўз қўли билан ўзининг идентификация рақамини (ИР) қўйиб чиқиши шарт.

32. Тест саволларида жавоблар даъвогар томонидан жавоблар буклетига ёзилади.

33. Малака имтихони вактида норматив-хуқуқий ҳужжатлардан, маълумот ва маҳсус адабиётдан фойдаланиш, сўзлашувлар ўтказиш, техник воситалардан фойдаланиш тақиқланади, арифметик калькуляторлар бундан мустасно.

34. Даъвогарлар томонидан малака имтихонини ўтказиш қоидаларини бузиш ҳоллари баённомада қайд этилади.

35. Малака имтихонини ўтказишга ажратилган вакт тугаши билан даъвогарлар имтихон комиссиясига қуидагиларни топширишлари шарт:

а) имтихон карточкаси, имтихон ўтказиш қоидалари даъвогар томонидан имзоланган ҳолда;

б) имтихон модули;

в) тўлдирилган жавоблар буклети.

36. Мазкур Низом талабларини бузган даъвогарлар малака имтихонини топширимаган деб ҳисобланадилар ва улар томонидан тўлдирилган тестлардаги жавоблар баҳоланмайди.

37. Имтихон карточкалари малака имтихони тугагач, конвертга солиниб мухрланади. Имтихон модуллари ва жавоб буклетлари тўлиқ текширилгунига ва малака имтихони натижалари баҳолангунга қадар алоҳида сақланади.

38. Жавобларнинг тўғрилигини текшириш ва баҳолаш идентификация рақами (ИР) бўйича жавоб буклетлари асосида имтиҳон комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

39. Солик маслаҳатчиси сертификатини олиш учун даъвогар бўлимлар бўйича камида қўйидаги миқдордаги саволларга тўғри жавоб бериши лозим:

солик ҳуқуқи — 6;

юридик ва жисмоний шахсларни соликка тортиш — 12;

иктисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш — 8;

солик маслаҳати беришнинг ҳуқуқий асослари, ташкил этиш ва услуги — 4;

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи — 10;

солик ҳисоб-китоблари ва режалаштиришда иктиносий таҳлил — 3.

40. Имтиҳон жавобларининг тўғрилиги ва баҳолаш натижалари имтиҳон комиссияси томонидан тегишли баённомада идентификация рақами (ИР) ва модул номери кўрсатилган ҳолда акс эттирилади.

41. Мазкур Низомнинг 40-бандидаги баённоманинг расмийлаштириши билан имтиҳон комиссияси аъзоларининг бири имтиҳон карточкалари пакетини очади ва идентификация рақами орқали имтиҳондан муваффақиятли ўтган, ҳамда малака имтиҳонидан ўтмаган даъвогарларни аниқлайди.

42. Малака имтиҳонининг натижалари имтиҳон комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади ва малака имтиҳони ўтказилган санадан кейин уч иш куни ичига Молия вазирлигига берилади.

Малака имтиҳонининг натижалари имтиҳон комиссияси томонидан ўтказилгандан сўнг уч иш кунидан кечикмасдан эълон қилинади.

43. Имтиҳон комиссиясининг баённомасида қўйидагилар кўрсатилади:

имтиҳон комиссияси таркиби;

имтиҳонни ўтказиш жойи, санаси, вақти (бошланиши ва тугаши);

тўпланган баллар миқдорини кўрсатган ҳолда малака имтиҳонида қатнашган даъвогарлар рўйхати;

малака имтиҳонига келмаган даъвогарлар рўйхати;

малака имтиҳонини муваффақиятли топширган даъвогарлар рўйхати;

малака имтиҳонини топширмаган даъвогарлар рўйхати;

аниқланган эътироzlар ва тартибузарликлар.

44. Даъвогарлар томонидан тўлдирилган жавоб буклетлари, шунингдек, имтиҳон комиссияси баённомалари Молия вазирлигига қонун ҳужжатларида белгилangan тартибда сакланади.

45. Малака имтиҳонини топширмаган даъвогарларга малака сертификатини расмийлаштириш ва бериш учун тўлов қайтарилмайди.

46. Малака имтиҳонини топширмаган даъвогар малака сертификатини расмийлаштириш ва бериш учун тўлов тўлаш шарти билан қонунчиликда белгилangan тартибда малака сертификатини олиш учун ҳужжатларни қайта тақдим этишга ҳақли.

47. Агар даъвогар Молия вазирлигига ҳужжатлар тақдим этилган санадан бошлаб олти ой ичига малака имтиҳонини топшириш учун келмаса, тақдим этилган ҳужжатлар даъвогарга қайтарилади. Ҳужжатларни қайта топшириш мазкур Низомнинг III бобига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Апелляцияларни кўриб чиқиш

48. Малака имтиҳони натижалари бўйича уларга нисбатан салбий қарор қабул қилинган даъвогарлар малака имтиҳони натижалари эълон қилинган санадан бош-

лаб 30 календарь куни ичиди Молия вазирлигига апелляция қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Апелляция аризаси ёзма шаклда тақдим этилади.

49. Апелляция аризаси Молия вазирлиги буйруғи билан тузиладиган Апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

50. Апелляция комиссияси бир ҳафта муддатда топширилган аризани кўриб чиқади ва апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича қўйидаги қарорлардан бирини қабул қиласди:

имтиҳон комиссияси қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш;

имтиҳон комиссияси қарорини бекор қилиш ва малака имтиҳонини қайта топшириш санасини белгилаш.

51. Имтиҳон комиссияси қарорини ўзгаришсиз қолдириш ёки апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор агар:

апелляция мазкур Низом талабларини бузган холда тақдим этилган бўлса;

апелляцияда келтирилган далиллар тасдиқланмаса, қабул қилинади.

52. Имтиҳон комиссияси қарорини бекор қилиш ва малака имтиҳонини қайта топшириш санасини белгилаш тўғрисида қарор малака имтиҳони мазкур Низом талабларини бузган холда ўтказилган тақдирда қабул қилинади.

53. Малака имтиҳонини қайта топшириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Молия вазирлиги малака имтиҳонини топширмаган деб топилган даъвогар учун қайта имтиҳон кунини белгилайди.

Агар илгари малака имтиҳонини топширмаган деб топилган даъвогар малака имтиҳонини қайта топшириш натижалари бўйича имтиҳонни топширган деб хисобланган тақдирда унга малака сертификати умумий асосларда берилади.

54. Қайта апелляцияга йўл қўйилмайди.

+

Солик маслаҳатчиси малака сертификатини
олиш учун малака имтиҳонларини ташкил
этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида
низомга
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

дан

АРИЗА

Солик маслаҳатчисининг малака сертификатини олиш учун менга малака имтиҳонини топширишга рухсат беринингизни сўрайман.

Аризага илова қилинади:

- 1.
- 2.
- 3.
- в. б.

20__ йил «__»
Шахсий имзо _____

Солиқ маслаҳатчиси малака
сертификатини олиш учун малака имтихон-
ларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби
тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

АНКЕТА

1. Фамилияси

Исми _____
Отасининг исми _____

2. Туғилган вақти: _____
(сана, ой, йил ракамларда ёзилади)

Фотосурат
учун

3. СТИР _____

4. Паспорт серияси _____ № _____
Берилган вақти _____
Ким томонидан
берилган _____

5. Маълумоти:

(ўкув муассасаси)

Факультети _____
Битирган иили _____ Диплом № _____
Диплом бўйича малака _____

6. Кўшимча маълумот

(ўкув муассасаси)

Факультети _____
Битирган иили _____ Диплом / сертификат № _____
Диплом бўйича малака _____
2) _____
(ўкув муассасаси)

Факультети _____
Битирган иили _____ Диплом / сертификат № _____
Диплом бўйича малака _____

7. Иш стажи тўғрисида маълумот:

| № | Даврлар | | Иш жойи | Лавозими |
|-----|-----------|--------------|---------|----------|
| | жойлашиши | бўшаб кетиши | | |
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |
| 4. | | | | |
| 5. | | | | |
| ... | | | | |

8. Уй манзили _____

9. Алоқа телефони: _____ Факс: _____
(код, ракам) (код, ракам)

Уй телефони: _____
(код) (ракам)

Электрон почта адреси _____

10. Анкета тўлдирилган сана «____» 20____ г.

Шахсий имзо _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

531 Солик маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
17 декабря 1750-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 27 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Солик маслаҳати тўғрисида»ги Қонунига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Солик маслаҳати соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 20 мартағи 55-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 12-сон, 111-модда) мувофиқ **қарор қиласиз**:

1. Илова қилинаётган Солик маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлансан.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

—

+

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 17 декабрь,
107-сон

**Давлат солик
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 17 декабрь,
2007-64-сон

Молия вазирлиги ва Давлат солик
кўмитасининг 2007 йил 17 декабрдаги
107, 2007-64-сон карори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Солик маслаҳатчиси малака сертификатини бериш,
унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Солик маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги «Солик маслаҳати соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 55-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 12-сон, 111-модда) мувофиқ солик маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

- Солик маслаҳатчиси малака сертификатига эга бўлган (кейинги ўринларда — малака сертификати деб юритилади) жисмоний шахс солик маслаҳатчиси ҳисобланади.
- Малака сертификати жисмоний шахсга, агар у солик маслаҳатчилари ташкилотининг штатида турган бўлса ёки солик маслаҳатчилари ташкилоти у билан фуқаролик-хуқуқий характердаги шартнома тузган бўлса, солик маслаҳати бўйича фаолиятни амалга ошириш хуқуқини беради.

**II. Малака сертификатини бериш, қайта расмийлаштириш ва
дубликат бериш тартиби**

- Малака сертификати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (кейинги ўринларда — Молия вазирлиги деб юритилади) томонидан малака имтиҳонини муваффақиятли топширган даъвогарга берилади.
- Малака сертификати мазкур Низомнинг иловасида келтирилган шаклда сертификатнинг маҳсус бланкасида расмийлаштирилади.
- Малака сертификати бланкаси қатъий ҳисбот ҳужжати ҳисбланиб, ҳисоб серияси, рақами ва химояланганлик даражасига эга бўлади.
- Малака сертификати бланкаси ва унинг иловаси қонунчиликда белгиланган тартибда нашриёт йўли билан Молия вазирлигининг буюртмасига биноан тайёрланади.
- Малака сертификати чекланмаган муддатга берилади ва Ўзбекистон Республикасининг барча худудида амал қиласи.
- Малака сертификати малака имтиҳони натижалари баённомаси имзоланган кундан бошлаб 10 кун муддатда расмийлаштирилади ва солик маслаҳатчилари рўйхатига имзо қўйган ҳолда малака имтиҳонини топширган жисмоний шахсга ёхуд унинг вакилига нотариал тасдиқланган ишончнома асосида берилади.
- Сертификатда кўрсатилган фамилияси (исми, отасининг исми) ёки бошқа паспорт маълумотлари ўзгарган тақдирда, малака сертификатининг эгаси 10 кун муддатдан кечикмасдан Молия вазирлигига қайта расмийлаштирилиши лозим бўлган

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

малака сертификати, тегишли ўзгартишларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари, шунингдек малака сертификатини қайта расмийлаштириш учун ўтказиладиган тўловнинг тўланганлигини тасдиқлайдиган банк тўлов ҳужжатини илова қилган холда малака сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисида Молия вазирлигига ариза топшириши лозим.

9. Малака сертификатини қайта расмийлаштириш солик маслаҳатчиси томонидан тегишли ариза топширилган кундан бошлаб, уч иш куни мобайнода расмийлаштирилади. Бунда янги малака сертификати берилади.

Илгари берилган малака сертификати белгиланган тартибда йўқ қилинади.

10. Йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз бўлиб қолган малака сертификати ўрнига эгасининг аризасига биноан дубликат берилиши мумкин.

11. Йўқотиб қўйилган малака сертификатининг эгаси малака сертификатининг йўқотиб қўйилганлиги тўғрисида матбуотда эълон бериши ва нашр нусхасини Молия вазирлигига тақдим этиши лозим.

12. Яроқсиз бўлиб қолган малака сертификати Молия вазирлигига қайтарилиши ва белгиланган тартибда йўқ қилиниши лозим.

13. Малака сертификатининг дубликати тегишли ариза топширилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнода берилади.

14. Малака сертификатини қайта расмийлаштиришда ёки унинг дубликатини беришда малака сертификатида илгари берилган рўйхат рақами кўрсатилади.

15. Малака сертификатини расмийлаштириш ва бериш учун, шунингдек унинг дубликатини берганлик учун солик маслаҳатчиси тўлов кунидаги энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида тўлов тўлайди.

16. Малака сертификатини қайта расмийлаштириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг $\frac{1}{2}$ миқдорида тўлов ундирилади.

17. Кўрсатилган маблағлар Молия вазирлигининг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва малака сертификатини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни, шунингдек, почта харажатларини қоплаш учун ишлатилади.

III. Солик маслаҳатчисининг малака сертификатини амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш тартиби

18. Малака сертификатининг амал қилишини тугатиш учун қуидагилар асос бўлади:

- а) солик маслаҳатчисининг аризаси;
- б) солик маслаҳатчиси томонидан солик маслаҳати бериш давомида олинган маълумотлар мижознинг (ишонч билдирувчининг) ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга тақдим этилганлиги;
- в) солик маслаҳатини амалга оширишда бир йил ичидан икки мартадан кўп қонун ҳужжатларини бузиш содир этилганлиги;
- г) солик маслаҳати бўйича фаолиятда уч йил мобайнода иштирок этмаганлиги, шунингдек малака оширишни белгиланган тартибда ўтамаганлиги;
- д) малака сертификатини солик маслаҳатида иштирок этиш учун фойдаланиш мақсадида бошка жисмоний шахсга берилганлиги фактининг аниқланганлиги;
- е) муайян лавозимларни эгаллаш ёки молия-хўжалик соҳасида муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзидаги жазони назарда тутувчи суд ҳукмининг қонуний кучга кирганлиги;
- ж) фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суд қарорининг қонуний кучга кирганлиги.

19. Мазкур Низомнинг 18-бандини «б», «в», «д» кичик бандларида назарда тутилган асослар бўйича малака сертификатининг амал қилиши тўхтатилган шахс малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч ўйл мобайнида малака сертификатини олиш тўғрисидаги ариза билан Молия вазирлигига мурожаат қилишга ҳақли эмас.

20. Малака сертификатини бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- а) ваколатли давлат органининг малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарорининг ноконунийлиги аниқланганлиги;
- б) малака сертификатининг соҳта хужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганиги факти аниқланганлиги.

21. Малака сертификатини амал қилишини тугатиш ёки бекор қилиш учун асослар аниқланган такдирда Молия вазирлиги тегишли қарор қабул қиласди.

Малака сертификатини амал қилишини тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарор асосланган бўлиши лозим ва оммавий ахборот воситаларида нашр қилинади.

22. Малака сертификатини амал қилиши уни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан тугатилади.

Солиқ маслаҳатчисининг малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарор малака сертификати берилган санадан эътиборан амал қиласди.

23. Молия вазирлигининг малака сертификатини амал қилишини тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарорининг нусхаси уч иш куни мобайнида малака сертификатининг эгасига ва у солиқ маслаҳати беришни амалга оширган солиқ маслаҳатчилари ташкилотига юборилади.

IV. Малака сертификатига эга бўлган солиқ маслаҳатчилари рўйхатини юритиш



24. Молия вазирлиги малака сертификатига эга бўлган солиқ маслаҳатчилари Реестрини юритади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

малака сертификатини олган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, олган санаси;

паспортнинг серияси ва рақами, берган санаси ва жойи, турар жойи;
иш жойи;

СТИР;

малака сертификатининг рақами, берилган санаси;
ҳар ўйллик малака ошириш курсларини ўтаганлик тўғрисидаги маълумот;
малака сертификатини амал қилишини тугатиш, бекор қилиш, қайта расмийлаштириш ва дубликат берганлик тўғрисидаги маълумотлар.

25. Реестрдан малака сертификатининг рақами, берилган санаси, қайта расмийлаштириш ва амал қилишини тугатиш, шунингдек бекор қилиш ва дубликатини берганлик тўғрисидаги маълумотлар манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга кўчирма тариқасида берилиши мумкин.

V. Якуний қоидалар

26. Молия вазирлигининг малака сертификатини бериш, амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш масалаларига оид қарори устидан манфаатдор шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

27. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Солик маслахатчиси малака сертификатини
бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва
уни бекор қилиш тартиби тўғрисида
низомга
ИЛОВА

(олд томони)

Ўзбекистон Республикаси герби

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

**СОЛИҚ МАСЛАҲАТЧИСИННИНГ
МАЛАКА СЕРТИФИКАТИ**

№ 000000

20__ йил, ____ -сонли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйру-
рига мувофиқ ушбу сертификат _____

(солик маслаҳатчисининг Ф.И.Ш.)

(паспорт рақами ва серияси, качон ва ким томонидан берилган)

Ўзбекистон Республикаси худудида рўйхатдан ўтган Солик маслаҳатчилари таш-
килоти орқали солик маслаҳати бўйича хизмат кўрсатиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

+

Мазкур сертификат паспорт тақдим этилганда хақиқийdir.

Ваколатли шахс _____
(Ф.И.Ш.) _____
(имзо)

Сертификат бериш санаси 2007 йил «____» _____

Реестр бўйича рўйхат рақами _____

Тошкент

М.Ў.

(орқа томони)

**Солиқ маслаҳатчисининг малака оширганлиги тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

1. Таълим муассасасининг номланиши _____
 Малака оширганлик тўғрисидаги сертификатнинг олган санаси _____

Таълим муассасаси раҳбарининг _____
 (Ф.И.Ш.)

Имзо _____ **М.Ў.**

2. Таълим муассасасининг номланиши _____
 Малака оширганлик тўғрисидаги сертификатнинг олган санаси _____

Таълим муассасаси раҳбарининг _____
 (Ф.И.Ш.)

Имзо _____ **М.Ў.**

3. Таълим муассасасининг номланиши _____
 Малака оширганлик тўғрисидаги сертификатнинг олган санаси _____

+ Таълим муассасаси раҳбарининг _____
 (Ф.И.Ш.)

Имзо _____ **М.Ў.**

Изоҳ: Малака сертификати олинган санадан кейин келгуси йилдан бошлаб тўлдирилади.

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2007 йил 8 декабрдан 21 декабргача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссияларини тайинлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфисизлигини назорат қилиши давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 15 ноябрдаги 167-сонли буйруғи.

2007 йил 11 декабрда 1747-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 21 декабрдан кучга киради).

2. «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгаришишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 17 ноябрдаги 31/3-сонли қарори.

2007 йил 13 декабрда 630-10-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 23 декабрдан кучга киради).

3. «Тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгаришишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 17 ноябрдаги 31/2-сонли қарори.

2007 йил 13 декабрда 949-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 23 декабрдан кучга киради).

4. «Давлат улушларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компаниялар ва ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқарии давлат қўмитасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 01/12-18/17-сонли қарори.

2007 йил 15 декабрда 1394-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 25 декабрдан кучга киради).

5. «2008 йил учун давлат статистика хисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007 йил 9 ноябрдаги 18-сонли қарори.

2007 йил 15 декабрда 1748-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 25 декабрдан кучга киради).

6. «Солик маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтихонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2007 йил 17 декабрдаги 108, 2007-63-сонли қарори.

2007 йил 17 декабрда 1749-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 27 декабрдан кучга киради).

7. «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўймитасининг 2007 йил 17 декабрдаги 107, 2007-64-сонли қарори.

2007 йил 17 декабрда 1750-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 27 декабрдан кучга киради).

II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. Суюқ газларни босим остида сакланадиган шарсимон сифимлар ва газгольдерларни техник кўрикдан ўтказиш бўйича йўриқнома. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиги томонидан тасдиқланган.

2. Асбоб ва мосламалар билан ишлаганда хавфсизлик қоидалари. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси бошлиги томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

III. Кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди:

1. «Ижтимоий соҳа бўйича давлат статистик ҳисботи шаклларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўймитасининг 2006 йил 1 декабрдаги 15-сон қарори.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва амалдаги қонунчиликка зид ҳужжат сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ХУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚҲММБ LexUz) аҳолининг хуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-хуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиши имкониятини таъминлаш, жамиятни хуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш массадидага яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚҲММБда Интернет орқали фойдаланиши имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-хуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик маҳсил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумхуқуқий классификатори бўйича;

— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;

— тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;

— алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпmezонли, кенгкамровли қидириши имконини беради.

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишсида акс эттирилади ва улар билан ишилшининг қўйидаги имкониятлари мавжуд:

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаши;

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гурухлаши;

— ҳужжатлар билан ишилди учун натижавий жадвалда уларни танлаши;

— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиши;

— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартишиларнинг хронологик тарихини кўриши;

— ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиши;

— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;

— «Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент / респондент ҳужжатлар рўйхати;

— ҳужжат таркибida расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириши ва изоҳлар каби) акс эттириши;

— ҳужжат таркибida матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириши;

фойдаланувчи ишилган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиши ва бунда:

— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиши;

— излаш шартларини сақлаб қолиши;

— фойдаланувчи ишилган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаши;

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориши;

базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаши.

WWW.LEX.UZ
сайтига марҳамат қилинг